جديد


Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

2024-yil 1-noyabr
№ 45(45)
www.jadid-media.uz

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

КОМИЛАЛИК ТАЪРИФИ



“...Ҳазрат Навоий олтмиш йиллик умри давомида, аввало, миллатимиз, қолаверса, умумбашарият маънавияти ва маърифати равнақи учун бир умр хизмат қиладиган бой адабий мерос қолдирди. У барча асарларида инсони шарифни улуғлаганига гувоҳ бўламиз...”

(5-саҳифада ўқинг).

ЖАРАЁН

БУГУНГИ ВАТАН ТАЯНЧЛАРИ – ЭРТАНГИ ЮРТ УСТУНЛАРИ

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Соҳибқирон Амир Темурнинг “Тузуклар”и, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати”, Бобур Мирзонинг “Бобурнома” асарлари ва бошқа кўплаб нодир манбаларда чин фарзанд, Ватан ҳимоячиси, оила давомчиси, шаън ва шараф ҳимоячиси қандай сифатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади-ки, бу бизга фарзанд тарбиясидаги нозик чегараларни эслатиб туради.



Юртимизда фаолият кўрсатаётган “Ватан таянчи” ҳаракати ҳам ана шундай муҳим зарурат ва мезонлар асосида майдонга чиқди. Ушбу ҳаракат ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам жамиятнинг энг садоқатли ва фаол, ҳар қандай синов ва қийинчиликларни ҳам мардона енгиб, ўз ҳаётий мақсадлари томон илдам ҳаракатланадиган, Ватан манфаатини қадрлайдиган ва ҳимоя қиладиган фидойи ўсмирларни тарбиялашдек эзгу ният билан ўз фаолиятини бошлади.

“Ватан таянчи” – болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати раҳбари, полковник Баҳром Зулфиқоров билан кечган суҳбатимиз ҳаракатнинг мазмун-моҳияти, фаолияти, халқаро ютуқлари хусусида борди.

– Президентимизнинг 2022 йил 2 мартдаги Мудофаа вазирлиги ҳузурида “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилиниши жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Номидан ҳам маълумки, “Ватан таянчи” отрядлари юқори синф ўқувчиларининг энг жўшқин даврларини қамраб олиши кўзда тутилган. Бунинг моҳиятида чуқур ўйланган қандай мақсадлар бор?

– Дарҳақиқат, “Ватан таянчи” ҳаракатига ўсмирлар энг шижоатли паллаларда аъзо бўлишади. Бу даврда уларда атрофдаги ҳар қандай ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш, барчани ўзига жалб қилиш иштиёқи юқори бўлади.

(Давоми 3-саҳифада).

КУН МАВЗУСИ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ



Айни кунларда юртимиз бўйлаб барча олий ва ўрта таълим даргоҳларида “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар ҳамда публицистлар иштирокида адабий учрашувлар ўтказилмоқда. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида уюштирилаётган мазкур лойиҳа навқирон авлод вакилларини миллий адабиётимиз, бебаҳо қадриятларимиз ва шонли тарихимиз билан янада яқинроқ таништириш ва уларнинг дунёқарашини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

МАЪРИФАТ УЛАШИБ

Лойиҳанинг навбатдаги мавсумида пойтахтда яшаб ижод қилаётган қаламкашларнинг ижодий сафар манзили – водий гавҳари бўлмиш Фарғона шаҳри бўлди. Фарғона шаҳрида жойлашган Марказий Осиё тиббиёт университети, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ҳамда Латвиянинг ахборот тизимлари менежменти олий мактаби Фарғона филиали, шунингдек, шаҳардаги ўнга яқин мактабда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шуҳрат Жабборов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, таниқли адабиётшунос олим Баҳодир Карим ҳамда истеъдодли шоир Дилмурод Дўст иштирокида ўтказилган қатор учрашувлар, давра суҳбатлари талаба ва ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинди.

Уч кунлик дастур ва унда белгиланган ижодий учрашувлардан ташқари, меҳмонлар талабаларнинг ўқиш шароитлари, таълим муассасаларида яратилган қулайликлар билан ҳам яқиндан танишиб, ўқув масканларидаги кутубхоналар фаолиятини ҳамда маънавий-маърифий йўналишда олиб борилаётган ишларни янги сифат босқичига кўтариш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдиришди.

Шунингдек, олий таълим даргоҳларига бириктирилган мактабларда ўтказилган тадбирларда иқтидорли ўқувчилар ҳам ўз ижодий имкониятларини намойиш этди.

– Ҳамма замонларда ҳам инсон қалби энг қизиқарли ва долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Бўлажак шифокорлар билан ўтказган учрашувларимизда улар билан бир хил ишни бажараётганимизни гапирдим, – дейди филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим. – Яъни тиббиёт олийгоҳида таҳсил олган талабалар вақти келиб инсон танасининг саломатлиги учун тунни тонгга улаб заҳмат чекканлари каби биз адабиёт, сўз хизматкорлари ҳам инсон руҳияти, унинг кайфияти, бир сўз билан айтганда инсон кўнгли “соғломлиги” учун меҳнат қиляпмиз. Аслида адабиётшунослар дунёга келган асарни ёки узоқ умр кўраётган китобни астойдил ўрганиб, унга “ташхис” қўяди. Агар бўш ва савиясиз битилган асарга дуч келиб қолса, унда “юрак” ва “мия” фаолияти билан боғлиқ касаллик аломатлари кузатилаётганини билдириб ўтиш адабиётшунос олимларнинг вазифаларидан биридир. Тиббиёт йўналишида ўқиётган талабаларга сўзнинг қудрати, унинг бемор билан ўзаро муносабатларда энг самарали қурол экани ҳақида гапирдик.

Беш-олти йил давомида университетда ўқиб ўзлаштирилган билимлар ва иш давомида эгалланган тажрибани тарозининг бир палласига қўйсак, иккинчи паллада турган сўз аталмиш буюк неъмат ҳам залворли тош босишини алоҳида таъкидладик.

(Давоми 2-саҳифада).

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Фидойиликнинг қиймати бўлмайди. Қайсики ишда бўлмасин, меҳнатга муҳаббат, ўз вазифасига виждон амри билан қараш, масъулиятни чуқур ҳис қилиш кишини юксакликка кўтаради.

Қорақалпоқ аёли Турдигул Аденбаева ўсмирлик йиллариданоқ жамиятнинг фаол аъзосига айланган. Унча-мунча қийинчиликларни тан олмайди. Иш деган жойда ҳаловатни унутади. Опа бир йилда ўн саккиз миллион олтинкўз капалак етиштиради. Бунинг учун эса...



ЮРАГИДА ҚУЁШ ТАФТИ БОР

У ҳар мавсумда зараркунандалар учун қўлбола тузоқ-феромон тутқичлари ёғочининг ўзигагина ўн миллионлаб пул сарфлайди. Мавсум шу билан ўтса қанийди. Бундан ташқари, опа бозор оралаб, бир ярим тонна шакар, минг метр бўз, бир ярим минг дона шиша идиш, саккиз тонна арпа, юз килограмм тоза асал, ярим тонна асалари уяси, ўн қути сариёғ ва ҳоказоларни сотиб олади. Йил давомида бир оилани тўйдирса бўладиган маблағ билан личинка боқади, эрта баҳор эса мўъжиза рўй беради – у киши парваришлаган қуртчалар қанот чиқариб, ҳақиқий фитосанитарларга айланади.

Ёши етмишни қоралаётган бу меҳнаткаш аёлни кўрган одам ҳайратда қолиши шубҳасиз. Унинг чаққон ҳаракатлари, болаларча беғубор олами, ва энг муҳими, ўз даври-давронидан розию ризолиги кўнглингизга илиқлик олиб киради. Шу ёшида кажавали мотоцикл миниб дала кезаётган, ёши бир жойдалигини рўкач қилмай югуриб-елган момони кўрганмисиз?

– Зиёфат деган нарсани билмайман, тўй-маъракага ҳам кираману чиқиб кетаман. Ҳаётимнинг мазмуни – иш. Капалакларни боламни боққандай яхши кўриб боқаман, – дейди Турдигул опа.

Қўнғирот туманидаги Ўрнак овул фуқаролар йиғинида унинг хизматидан фойдаланмаган одам йўқ. Шунча харажат тортиб, қиши билан боқиб чиққан капалакларини фермер олиб кетишини кутиб ўтирмасдан, дала кезиб пахтазору ғаллазорларга ўзи қўйиб чиқади. Овулдагиларнинг томорқалари учун эса пулга чақмай бериб юбораверади. Уйида экини, кўки бўлса, сўраб ўтирмай, ҳовлисига ташлаб кетади. Ер эгаларига, тадбиркорларга, қўни-қўшниларга беминнат хизмат кўрсатади.

(Давоми 2-саҳифада).

САНЪАТ

МАРҒИЛОНДА УВАЙСИЙНИ КЎРДИМ

Севикли шоиримиз Муҳаммад Юсуф бир пайтлари “Марғилонда Кумушни кўрдим”, – дея ашъор битмишди. Ўқиган заҳотим “Ё қудратингдан! Кумушни-я?!” дегандим. Биласиз, кўрмасам, тинчимайдиганларданман. Қайдасан, Марғилон деб йўлга тушвордим.

Сўраб-сўраб, Маккани топган. “Поездингни жилдирган ўтхонаси билан дўнгалаги” деб марғилонлик мард йигитларнинг шаҳрига ўтаравамни улоқчи отдек ҳарсиллатиб кириб бордим. Шоҳбекатда биринчи дуч келган уловга мингашдим. Шопир ака манзилни сўраганди, “Тўғри, мозийга!” дедим. Бечора “ажабсинган” бўлди, пешонасида турган кўзгуга қаради: “Дунёда бундай манзил борлиғини умримда биринчи мартаба эшитаман, бек!” – деди. Мен ҳам оғзига урдим: “Дунёда бундай манзил йўқ деб ўйлайсизми, сиз эшитмаган бўлсангиз, маним эшитканим бор... Билмасангиз, билган ерингизга бошлангиз!” Елка қисиб, газни босди. Бироздан кейин тўхтаб, бир даргоҳга ишора қилди. Хайрият! Тушунган одамни садағаси кетсанг арзийди. Айни мен излаган манзил! Тепасига “Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри” деб ёзилган. Ҳа-а, отангга балли, ўқиғувчи! “Бу даргоҳдан ҳали ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас!”


Ичкариладим. Э-ҳе-е! Залнинг олд қаторлари тўлла одам! Барака топкур мезбонлар мен ёйилиб, яйраб томоша қилишим учун ўнлаб ўрин ҳозирлашибди. Назоратчи опалардан бири: “Кеча келсангиз бўларкан, роса кўпчилик келганди”, – деди. Майли, бу ҳақида кейинроқ гаплашамиз, парда очилди!

Толибжон Рўзибоев қаламига мансуб мазкур асар маърифатпарвар шоира Жаҳон отин Увайсий яшаган давр, хусусан, Амир Умархоннинг Марғилонга ҳокимлик қилган пайтлари, Нодирабегим билан Увайсий муносабатлари, Қўқон адабий муҳити ва сиёсий-ижтимоий вазият ҳақида қисқача маълумот беради.

(Давоми 3-саҳифада).

МУЛОҲАЗА

Бугун ижтимоий тармоқлар одамларнинг яшаш тарзи, орзу-умидлари, ҳаётий қарашлари, сиёсий тутумларининг ўзига хос кўзгусига айланган. Яна ижтимоий тармоқларни ҳув ўша Искандарнинг шохи ҳақидаги сир айтилган ва ундан ўсиб чиққан қамишдан ясалган найга ҳам менгзашади – ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолиб кетмаслигига ишора. Шунданикан, кимлардир дардини тўкиб-солгиси келади.



Эзгулик, қадриятлардан ҳикоя қилувчи ҳаётий воқеалар акс этган ҳаволалар бошқаларни (айниқса, ёш авлодни) тарбиялашга озми-кўпми хизмат қилади – “чиллаки чиллакини кўриб чумак уради” дейилмиш гап бор, ахир. (Гарчи айнан адабий-маърифий мазмундаги гуруҳлар иштирокчилари бошқа – “олди-қочди”ларга тўлган гуруҳлар аъзоларидан ўнлаб марта кам бўлса-да). Ва яна...

Гоҳида “Фалончи отасига фалон русумдаги хориж автоуловини совға қилди” мазмунидаги хабарга кўзимиз тушади. Унда улов расми, калитни топшираётган ўғил ёки қиз ва бахтиёр ота акс этган бўлади. Бундай хабарларга билдирилган муносабатлар асосан бир мазмунда: “Яша, отаўғил!”, “Бизга ҳам насиб қилсин!”, “Қани ҳамманинг ҳам шундай оқил фарзанди бўлса!”, “Ота-онани рози қилиш бундан ортиқ бўлмас!”

(Давоми 5-саҳифада).



ТАРАҚҚИЁТНИНГ КЎШ ҚАНОТИ

Бошланиши 1-саҳифада.

“Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида тиббиёт университетларида адиб ва шоирлар билан учрашувлар ўтказишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам сўзнинг мўъжизавий қудратини бўлажак шифокорларга англатишдан иборатдир.

КЎЗ ЎНГИМИЗДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР

“Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида Фарғона вилоятига ташриф буюрган меҳмонлар бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларини алоҳида эътироф этишди. Дарҳақиқат, Президентимиз жорий йил 11 июлда Фарғона вилоятига ташрифи чоғида аҳоли учун муносиб яшаш шароитларини яратиш ва ижтимоий инфратузилмани янада такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратиб, бу борада бир қатор муҳим лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан топшириқлар бердилар.

Хусусан, Президентимиз Фарғона шаҳрида 65 минг нафар аҳолига мўлжалланган 365 та кўп қаватли уйдан иборат “Янги Ўзбекистон” массивида бажарилаётган қурилиш ишлари билан танишдилар. Эътиборлиси, ушбу замонавий масканда фойдаланишга топширилган 2 887 хонадондан иборат 75 та кўп қаватли уй ва унинг атрофида барпо этилган боғлар аллақачон одамлар билан гавжум бўлган обод манзилга айланган. Уч юз гектар майдонни эгаллаган “Янги Ўзбекистон” массиви қурилишида аҳоли учун зарур бўлган ижтимоий объектларнинг қулай локацияларда бунёд этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари маърифат ва маънавият асосида кўкка бўйлаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз, – дейди шоир Дилмурод Дўст. – Замонавий шаҳарларга файз бағишлайдиган кутубхона, китоб дўконлари, илму фан масканлари ҳам қад ростлаётгани бизни беҳад қувонтиради. Яна бир гапни айтиб ўтишим керак, бу лойиҳа нафақат адабиёт мухлислари, балки ижодкорлар учун ҳам манфаатли бўляпти. Бир устозим лутф этганидек, биз нафақат маърифат улашяпмиз, ўз навбатида маънавият дурларини ҳам териб, маънан ҳам бойиб қайтмоқдамиз.

Юртбошимиз фарғоналиклар билан ўтказилган учрашувда Марғилон шаҳри юртимиздаги аҳоли гавжум ҳудудлардан бири эканини алоҳида таъкидлаб шундай деган эдилар: “Мамлакатимизнинг кўп жойларида янги массивлар, шаҳарчалар қуряпмиз. Марғилонликларнинг яшаш шароитларидан, уй-жойларга эҳтиёжидан хабарим бор. Шу талаб ва истакларни, кўпчилик оилаларнинг орзуларини инобатга олиб, замонавий иморатлар қуришни ўйлаяпмиз”.

Тадбир давомида Марғилонда Бурҳонуддин Марғиноний халқаро илмий-тадқиқот маркази, Мақом театри, юридик институт, шоир ва санъаткорлар хиёбони, замонавий меҳмонхоналар, савдо ва хизмат мажмуалари барпо этилишидан хабардор бўлган марғилонликлар беҳад хурсанд бўлишган эди.

“Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида ўтказилаётган учрашувларда ислоҳотларнинг чекка ҳудудларгача етиб бораётгани, бунинг натижасида одамларнинг ҳаёти яхши томонга ўзгараётгани ҳаётий мисоллар асосида таъкидлаб ўтилди.

– Фарғона шаҳрига ижодий сафаримиз чоғида муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг Фарғона мисолидаги амалий натижаларини ўз кўзим билан кўрдим, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шуҳрат Жабборов. – Биз касбимиз тақозоси билан кўплаб одамлар билан суҳбатлашамиз. “Маърифат улашиб” лойиҳаси сабаб таълим муассасасидаги ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда маҳаллалардаги учрашувларда, аҳоли билан бўлган суҳбатлар чоғида эътиборимни тортган жиҳатлардан бири фарғоналикларнинг ҳаётга, эртанги кунга бўлган ишончи, уларнинг яратилаётган имкониятлардан мамнунлиги бўлди. Ана шунда узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат, инсон қадрини улуғловчи эзгу ғоя бугун одамлар ҳаётини ўзгартираётганига гувоҳ бўлдик.

Мамлакатимиз ривожининг бир қаноти иқтисодиёт бўлса, унинг иккинчиси, ҳеч шубҳасиз, маънавиятдир. Уларни бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмаслиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда ташкил этилаётган “Маърифат улашиб” адабий-маърифий лойиҳаси ҳам Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт парвози ишончли ва бардавом бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Улуғбек СОЛИЕВ,
Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти проректори



ҚЎНҒИРОТ ТОМОНЛАРДА

ЮРАГИДА ҚУЁШ ТАФТИ БОР

Бошланиши 1-саҳифада.



Ахир, кам эмас, уч минг гектар ғалла, тўрт минг гектар пахта майдонига масъул у. 1999 йилда экин майдонларини шира бостирган оқпалаклар унинг қаровидаги ерларда йўқ бугун. Опанинг олтинкўз капалаклари, трихограмма, брокин этномофаглари туфайли Қўнғиротнинг кўкаламига ҳашарот доримай қўйган.

Асли Турдигул опанинг иш бошлаши тарихи ҳам қизиқ. Аденбай бобосидан кўп яхшиликлар кўрган отасининг дўсти совхозга директор этиб тайинланади. У ўқитувчи ҳолига етти фарзандни қийналиб боқаётган қадрдонига оқибат кўрсатиб, 6-синфда ўқиб юрган Турдигулни статистликка ишга қабул қилади. Табиатан меҳнатга чанқоқ қиз ҳисоб-китоб ишларини қаттиққўл отасидан ўрганади.

– Ҳисобни чиқаролмай қийналсам, отам койиб берарди. Чунки ишни эплаб кетишимни жуда-жуда истар эди-да, – дейди опа ўша кунларни эслаб.

Отанинг умиди, совхоз раҳбарининг ишончи тиришқоқ Турдигулнинг қатъиятини мустаҳкамлади. Йўқса, эллик уч йил бир жойда ишлаб, сув келса симириб, тош келса кемириб, матонат касб этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўқувчилик йилларидаёқ катта совхозда ҳам статист, ҳам директор котибаси, ҳам ҳисобчининг ёрдамчиси бўлиб ишлашига тўғри келди. Шу орада пахта далаларини тафтиш қилиш масаласида бориб-келиб, аграр соҳага ҳам қизиқиб қолди. 1998 йилда собиқ совхоз меҳмонхонасини унга биолабораторияга мослаштириб беришди-ю, жони кирди. Бўлганда ҳам фидойи агроном этимолог бўлиб, бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб, фаолият юрита бошлади. Қирқ беш ёшида садоқатли суянчи – умр йўлдошидан айрилгач, ота ўрнида ота бўлиб, болаларининг тўрталасини ҳам меҳнатга ўргатди. Уларни лабораториядан нари кетгани қўймади.

Бугун Турдигул опанинг ўн набираси, икки эвараси бор. Ўн беш жон кундузи бошқа юмушларини бажарса, кечаси лаборатория иши билан машғул. Мусиқа қўйиб, тунги соат 3-4 гача завқ билан личинкаларга овқат тайёрлашади, уларни кўпайтириш билан боғлиқ ишларни амалга оширишади. Шартнома бўйича ҳамкорлик қилаётган фермерлар баъзан тўловни кечиктирса ёки беролмаса ҳам опа оғринмайди. Ўз юмушларини савоб умидида бажариб кетаверади.

– Баъзи одамлар қарзини узиш тугул, саломимга алик олгиси келмайди. Ахир, саломга алик ҳам қарзи азалий эмасми? Нима дердим? Майли-да, дейман. Виждоним учун ишлайман. Кўзим тўқ, кўнглим тўқ бўлса бас, чала-чулпа иш қилиб бировни алдаёлмайман. Даланинг икки бошидан икки боламни солиб, ўртадан ўзим оралаб текшириб чиқаман. Бирор иш битмаса, уйқум қочади. Ҳаётимда бирон марта санаторийга борган эмасман. Касалхонада ҳам ҳеч қачон даволанмадим. Чунки касал бўлишга вақтим йўқ.

Опа “радди бало” тайёрлаш учун ўн килограмм макка унига уч килограмм арпа уни, ўн килограмм кепак, икки ярим килограмм қумшакар, шунча олма қоқини гўшт қиймалагичдан ўтказиб қўшади. Яна унга уч литр қатиқ қўшиб қоради. Қовурилган масаллиқни духовкага солиб, кунжара тусига киргунча пиширади. Сўнг уни қуритиб, личинкаларга едиради... Дарахт кўчатларини кўпайтириб маҳалладошларига, таниш-нотаниш одамларга тарқатишни, пахта далалари бўйлаб экишни ҳам канда қилмайди. Турдигул опа экқан дарахтларнинг ҳисоби йўқ.

У набиралари билан чиқиб, дефоляция тегмай қолган барглар орасида яширин ривожланган капалакларни тутиб, банкага солади. Оила кунига 10-15 банка капалак теради. Капалакнинг ҳар биттаси бир суткада 50-60 донадан уруғ қўяди. Бир личинкадан эса 15 дона брокин этномофоклари олинади. Бошқа туманлар учун ҳам “оналик” тайёрлаб беради. Қорақалпоғистондаги 70 та лабораториянинг энг илғори Турдигул опанинг “Олтинкўз – Сартур”и.

Кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар Турдигул Аденбаева каби меҳнаткаш инсонлар учун айниқса, хайрли келди. Инсон қадри улуғланиб, опанинг юртга қилган хизмати шараф топди. 2021 йилда опа “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвонига сазовор бўлди. Бир неча бор кўкрак нишонлари билан мукофотланди. 2023 йилда эса “Дўстлик” орденига муносиб кўрилди. Эски меҳмонхона жойлашган ҳудуд опага 99 йиллик шартнома билан расмийлаштириб берилди. Худо ол қулим, деса ҳеч гап эмас экан-да...

Ўша берилган жойдан ҳам ўзига иш топди. Қаровсиз бўлиб, ажриқзорга айланиб кетган, тош қотган ерни тирнаб тозалаб, бир бошидан боғу гулзорга айлантира кетди. Ишлаб юрган кезларидаёқ қадаган кўчатлари мева бериб, тонналаб нок олишга тушди. Ҳосилни йиғиб-териб, бозорда сотиб келади, кузда катта-катта идишларга ҳар хил тузламалар тайёрлаб, яқин атрофдаги дўконларга топширади. Опадан даромади ҳақида сўрадик.

– Иш кўп. Пул эса ҳар доим ҳам бўлавермайди. Ташқаридан ишчи олиб кўрдим. Эрталаб соат тўққизда келиб, кечки бешда кетадиган ёрдамчилар ёлладим. Пул беролмай қолган пайтимда мени судга ҳам беришди. Чунки улар тушунмайди. Мен фойда қиляпманми, зарар қиляпманми, ҳисоб-китоб қилмайман. Нима бўлса ҳам ишлайвераман. Баъзан арзимаган пулни ҳам тополмай қоламан. Чунки менга пул берадиган фермер ҳам ҳосилини йиғиб фойдага чиқадиган кунни кутади. Ҳатто, у кутилмаган муаммо туфайли кўзлаган ҳосилини ололмай қолиши мумкин. Шундай вақтларда мен унга ёпишмайман-ку менинг пулимни бер, деб. Ҳа, топган пайтида беради-да, деб қўл силтаб қўяман. Лекин ишчи олсангиз, ҳақли равишда маошини талаб қилади. Шунинг учун ҳам оилавий ишлашга ўтиб олдим. Фақат мавсум пайтидагина 15-20 одамни кунбай ишлатаман. Улар билан ҳам келишиб оламан, пул беролмай қолган пайтим, уйига озиқ-овқатини ўз номимга насияга ёздириб олиб келиб бераман. Қўлимга пул тушиши билан дўкондаги қарзимни ёпиб кетаверaман. Шундай қилмасам, иш тўхтаб қолади-да!

Турдигул Аденбаева билан яна кўп масалалар ҳақида гаплашдик, унинг ютуқларидан қувондик, орзуларидан бохабар бўлдик. Опанинг “Бундан кейин ҳам фойда-зараримни билмай халққа хизмат қилишим учун Худодан ҳар куни менга куч-қувват беришини сўрайман”, деган гапи хаёлимда қаттиқ ўрнашиб қолди.

Мен бу заҳматкаш, самимий аёлнинг қалбида сахий қорақалпоқ қуёшининг тафтини ҳис қилгандек бўлдим.

АЁЛ МАТОНАТИ

ИРОДАДАН ЯРАЛГАН ИНСОН

Малика Артиқбаева болалигида полиомиелит касаллигининг фалажсиз турига чалинди. Ҳар қанча даволатишмасин, тўлиқ тузалиб кетишнинг имкони бўлмади. У бошқалар каби тўшакка михланиб қолмади-ю, оёқлари ривожланишдан тўхтаб, юришга қийналадиган бўлди. Мана, қариб-қартайди ҳамки, бир жойга боргиси келса, жонини қийнаб протез тақади. Лекин ногирон бўлишига қарамай, овулида чеварчилик қилади.



Одам ўз ҳовлисига тушган қорни ўзи курайди. Доимий дардлар Малика опанинг суягини емирди-ю, бардошига теголмади. Ранго-ранг ипларда орзуларини нинага ўтказиб, тикиш ва тўқишга берилди. Аёллар журналларида “Тикишни ўрганамиз” рукнида мунтазам бериб бориладиган андозаларни эринмай кесиб олди. Таваккалига мато қирқиб, бичим олди, мустақил равишда чеварликка қўл урди.

Аста-секин овулдошлари унга кўйлак тиктира бошлади. Шу-шу тирикчилиги тикувчилик ортидан бўлди. Протез оғриғидан озорланиб, уй ичида “тўрт оёқлаб” юрди, эмаклаб-эмаклаб бичиқ қилди, қадалиб ўтириб либос яратди. Вақти етиб, тажриба тўплаб, ўттизга яқин хотин-қизни тикувчиликка ўргатиб, шогирд қилиб тарбиялади.

Отасидан қолган тўрт хонали чоғроққина уйда серфарзанд уканси қарамоғида умр кечириб, тиқилишиб яшаётгани ўнғайсиз бўлди. Кўйлак тиктиришга келган мижозининг бир оғиз маслаҳати билан давлатдан уй сўраб, ҳукуматга қайта-қайта хат йўллади. Бу энди ўн йил аввалги гаплар.

Ниҳоят, замон ўзгарди. Уйдан умидини узиб, майли-да, деб турган жойида ҳокимиятдан қўнғироқ қилишиб, “Сизга икки хонали уй бериладиган бўлди. Тезлик билан шахсий ҳужжатларингизни етказинг”, деб айтишди. У ёғини опанинг ўзидан эшитган яхши.

– Шу пайти жуда ҳаяжонланиб қолдим. Лекин кимга айтсам, ҳовлиқма-ей, ким сенга уй беради, шунчаки ҳужжатларингни сўраб қўйишган-да, дея ўтимни ўчираверди. Ҳафсалам бўлар-бўлмай, сўралган ҳужжатларни укамдан бервордим. Ҳеч қанча ўтмай, менга Қўнғирот тумани марказидаги кўп қаватли уйлардан икки хонали хонадон калитини топширишди.

Малика опа бундай тортиқ учун халқни арзи доди ерда қолмайдиган бугунидан миннатдор. Ҳар қадамда замонавий ўқув курслари бўлишига қарамай, ёнига келган ҳунарталабларнинг иштиёқини сўндирмайди. Ўзи ҳам бекорчидан Худо безор, деб қариндош-уруғнинг буюртмасини бажаради. Опадан қийналмаяпсизми ўзи, дея сўрадик.

– Нега қийналаман? Протезим бироз эскирганини, алмаштиришим кераклигини айтмаса, ҳаммаси яхши...

Бир оиланинг яраштирув ишига қатнашганимиз бор. Келин эрининг топиш-тутишидан норози эди. Савол-жавобларимизда аёл савдога боши, тикувчиликка елкаси оғришини айтганди. Қўшнингизга ўхшаб писта қовуриб улгуржи топширсангиз-чи, деганимизда, менинг пистага аллергиям қўзийди-ку, деган иддаони эшитган эдик.

Демак, фароғатда яшай олиш учун фақат тани сиҳатликкина эмас, инсонда шукроналик ҳисси ҳам барқарор бўлмоғи зарур. Ана шу хислат умумийлик касб этса, жамиятнинг ҳам тўрт мучаси соғ бўлажак. Зеро, бугун ҳеч ким эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Муҳайё ПИРНАФАСОВА

Тошкент-Қўнғирот-Тошкент

БУГУНГИ ВАТАН ТАЯНЧЛАРИ – ЭРТАНГИ ЮРТ УСТУНЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Бу ёшда ўсмирлар унча-мунча хавф-хатардан ҳайиқмайди, мардлик ва жасорат намоён этишга интилади.

Ҳозир баъзи ёшларнинг виртуал макондаги олқишларга мойиллиги кучайиб, турли челленж ва вайнлар орқали “лайк”лар йиғишга берилиб қолаётгани ҳам сир эмас. Аммо ўз билими, кучи ва қатъий интизоми билан улкан чўққилар сари бораётган ўғил-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. “Ватан таянчи” ҳаракатини муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, катта мақсад ва ташаббуслар билан йўлга отланган ёшлар жамоаси десак, тўғри бўлади.

Шу ўринда озгина изоҳ бериб ўтмоқчиман. Гап шундаки, “Ватан таянчи” ҳаракати аъзолари Ўзбекистон Республикасининг барча қонунларини, унинг рамзларини ҳурмат қилади ва уларга тўлиқ риоя этади. Жамиятда ва тенгдошлари орасида буни тарғиб қилади ҳамда шахсан намуна кўрсатади. Давлат қонунларига ва рамзларига беҳурматлик қиладиган ҳар қандай шахсни бундан қайтаради, унга ўз муносабатини билдиради. Зарур ҳолларда отряд раҳбарининг ёрдами билан бундай ҳолатларнинг олдини олади.

Ушбу ҳаракатни ташкил этиш учун аввало жаҳон тажрибаси ўрганилди. Тарихда ва бугунги кунда фаолият юритаётган ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатлари ва клубларининг фаолияти, дунё ҳамда республикамиздаги ёшлар билан боғлиқ ижтимоий муҳит, муаммо ва эҳтиёжлар таҳлил қилинди. Ёшларнинг ватанпарварлик туйғулари қай даражада, уларни кўпроқ нима қизиқтиради, қандай қилиб ҳарбий соҳага бўлган эътиборни янада ошириш мумкин, бу ҳаракатдан Ватан, Президент, халқ нималарни кутяпти, деган бир қатор долзарб саволлар устида бош қотирилди.

Ёшларимизда ушбу ҳаракатга аъзо бўлиш истагини уйғотиш ва бу ҳаракатга қўшилишни улар учун юрак амри ва табиий эҳтиёжга айлантириш устида бош қотирилди. “Ватан таянчи” ҳаракатининг асосий вазифалари аниқ белгиланиб, унга аъзо бўлиш ихтиёрий эканлиги белгилаб қўйилди.

Биринчи навбатда Мудофаа вазирлиги тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерлари, ҳарбий округлардаги мутахассислар ва Ҳаракатнинг васийлик кенгаши вакиллари билан тарғибот ишлари амалга оширилди.

Ҳаракатнинг асосий мақсади ва вазифалари, “Ватан таянчи” отрядлари томонидан амалга ошириладиган ишлар, отряд аъзоларининг вазифалари, уларга бериладиган имтиёзлар кенг тарғиб қилинди.

МАНФААТСИЗ ВА ХОЛИС

“Кўпдан қуён қочиб қутулмас” деган нақл бор халқимизда. Ҳаракат аъзолари ҳар қандай топшириқни жамоавий тарзда бажарадилар. “Ватан таянчи” ҳаракати аъзоси шахсий манфаатидан кўра Ватан манфаатини юқори қўяди. Бошқаларга кўмаклашиш, уларнинг миннатдорлиги ва розилиги орқали қониқиш ҳосил қилади. Тенгдошларининг муваффақиятларидан қувонади, қўллаб-қувватлайди. Кўмакка муҳтож шахсларга, тенгдошларига бор имконияти билан ёрдам беради. Бу орқали қадр-қимматини оширади, халқнинг ҳурматига сазовор бўлади.

– Жамоалар муҳитида ҳар қандай ёрдамни холис ва беминнат кўрсатиш, одамларнинг дуосини олиш каби кишига руҳий озуқа берадиган фазилатлар тобора шаклланиб бормоқда. Чунки бир инсоннинг розилиги ва ташаккурига сазовор бўлган ўсмир ўз ишидан мамнун бўлиб, бундай эзгу ишларни янада кўпроқ қилишга интилади. Келажакда халқ ҳурмати ва олқишига сазовор бўлишга бел боғлайди.

Бу борада бошланғич тажриба ва синовлардан ҳам ўтиб бормоқдамиз. Ўтган даврда отряд аъзолари томонидан бир қатор кўнгилли ташаббуслар амалга оширилди. Хотира ва қадрлаш куни арафасида биродарлик қабристонлари, хотира майдонларини ободонлаштиришга кўмаклашилди, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мактаблар ва маҳаллаларда кўплаб кўчатлар, гуллар ўтқазилди. Бу, албатта, ҳаракат аъзоларининг жамоавий ташаббуслари билан олиб борилди. Меҳнати сингган, пешона тери тўкилган, ўз қўли билан обод этилаётган жойлар ўсмирлар томонидан назоратга олинаётгани, вайрон бўлишга йўл қўйилмаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бора-бора бундай ёшлар ўз ерига, маконига ҳам бефарқ бўлмайди, Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячисига айланади.



– Сиз раҳбар сифатида “Ватан таянчи” отрядининг мамлакатимиз ҳаётида эгаллаётган ўрнини қандай баҳолайсиз?

– Ҳозир дунёда кечаётган мураккаб ва таҳликали даврда “Ватан таянчи” ҳаракати орқали ёшлар ўртасидаги фидойи, ватанпарвар, миллий қадриятлар ва урф-одатларимиз билан маънавий қуролланган жамоаларни шакллантириш муҳим ҳисобланади. Ижтимоий тармоқларда айрим ғаразли кучлар томонидан оммани бошқариш учун кибер таъсирлар ривожланиб бормоқда. Отряд аъзолари билан мақсадли ва тўғри ишларни олиб бориш орқали бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф қилиш имконияти яралади.

Ҳозирги кунда ана шундай ножоиз ишлар таъсирига тушиб қолаётган, етарли даражада билим ва ҳунарга эга бўлмаган ёшлар ҳам жамиятимиз аъзоси ҳисобланади. Уларни жамиятдан ажратиб қўйиш мумкин эмас. Агар биз “Ватан таянчи” ҳаракати орқали юксак мақсадли ва билимли ёшлар қамровини оширсак, бундай ёшлар ўз тенгдошларини тўғри йўлга бошлай олади. Улар учун ўзига хос бўлади.

– “Ватан таянчи” отрядлари ўз олдига яна қандай мақсадларни қўйган?

– Ҳаракатнинг мақсадлари жуда катта. Келажакда Ҳаракатга аъзо бўлиш ҳар бир ўсмирнинг орзусига айланишига эришишимиз зарур. Ўзбекистонда униб-ўсаётган ҳар бир ўғил-қиз “Ватан таянчи” ҳаракати аъзоси бўлишни ўзи учун шараф деб билиши керак.

Ҳаракат ташкил этилгандан буён кўплаб ижобий натижаларга эриша олдик. Жамоа аъзолари ичида спортчилар, билимдон китобхонлар, дастурчилар мавжудлиги бизни қувонтиради. Ўтган йили “Ватан таянчи” жамоаси Қозоғистон Республикасининг Қарағанда вилоятида ўтказилган “Айбин-2023” халқаро ҳарбий-ватанпарварлик йиғини доирасидаги ҳарбий-спорт мусобақаларида илк бор иштирок этиб, 42 та жамоа ўртасида фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

Шу йилнинг июнь ойида Қозоғистоннинг Алмати вилоятида 52 та жамоа иштирокида ўтказилган мусобақада ҳам вакилларимиз турникда тортилиш, пневматик милтиқдан отиш, жанговар қуролни ёйиб-йиғиш, робототехника каби йўналишларда юқори натижаларни қайд этишди. Бу гал ҳам вакилларимиз фахрли 2-ўринга сазовор бўлишди. Қозоғистондаги йиғин давомида Россия, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон давлатлари вакилларида жамоамиз фаолияти катта қизиқиш уйғотди. Келажакда ўсмирлар ўртасидаги бошқа танлов ва мусобақаларда ҳам “Ватан таянчи” жамоаси иштирокини таъминлаш бўйича амалий ишлар олиб бормоқдамиз.

– Шахсан ўзим “Ватан таянчи” отряди жамоаларининг қатор мусобақалардаги иштирокини яқиндан кузатдим. Дарҳақиқат, ҳаракатда намунали жамоавий муҳит шаклланган, ўғил-қизлар жамоа шаънини ҳар нарсадан устун қўяди...

– Албатта, жамоани шакллантириш, бор куч ва ғайратни бир мақсад сари йўналтириш отряд раҳбарлари ва мураббийларидан катта меҳнат талаб қилади. Ҳаракат аъзоларида ўзаро ишонч, ҳурмат ва жипсликни шакллантириш, мушкул вазиятда елкадошлик, синовли паллада бир-бирига тиргак бўлиш кўникмасини ошириб боришимиз зарур.

Ҳар йили “Ватан таянчи” отрядлари ўртасида туман, вилоят ҳокимлари ва Мудофаа вазири кубоги учун “Ватанпарварлар” ҳарбий-спорт мусобақаси ўтказилмоқда. Ушбу баҳсларда 9 мингдан ортиқ жамоа иштирок этади. Ҳар бир босқичда ғолиб бўлган 14 та жамоа Мудофаа вазири кубоги учун ўзаро беллашади. Сиз таъкидлаб ўтган жамоавий кайфият, шижоат, бирдамлик мана шу мусобақаларда янада мустаҳкамланади.

– Бир вақтлар жадид боболаримиз ҳам илмли ва сергайрат ёшларни ўқитиб, миллат маънавиятини юксалтириш учун бел боғлаган эдилар. “Ватан таянчи” отряди йўл харитасида ҳам бунга алоҳида урғу берилганидан хабарим бор.

– Ҳаракат аъзолари бажара олмайдиган вазифанинг ўзи йўқ. Чунки унинг таркибида турли соҳалар бўйича қобилият ва истеъдод соҳиби бўлган ёшлар жуда кўп.

Ўқиш – Ҳаракат аъзосининг асосий машғулоти ҳисобланади. Лекин бу эртадан кечгача партада ўтириб ўқиш, дегани эмас. Йигит-қизларимиз, энг аввало, ҳар қандай фаннинг ҳаётда кераклигини, унинг асл моҳиятини ўрганади. Ҳар бир фаннинг ўз келажаги учун муҳим бўлган жиҳатларини чуқурроқ ўзлаштириб боради.

Куни кеча муҳтарам Президентимиз “Ватан таянчи” ҳаракати фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича яна бир муҳим қарорни имзоладилар. Унга кўра отрядларнинг бир нафар энг аълочи ва фаол аъзоси Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган билим юртларига ўқишга кириш учун ўзи тўплаган балининг 5 фоизи миқдорида қўшимча имтиёзли тавсияномага эга бўлади. Бу дегани, ҳар йили ўн минглаб ёшлар орасидан энг кучлилари майдонга чиқади, сараланади ва келажакда профессионал Ватан ҳимоячисига айланади. Энг муҳими, шу тариқа келажакда миллий армиямиз сафларида қалби пок, ғурури мустаҳкам, зуваласи пишиқ, Ватанига садоқатли ўғил-қизлар сони ортиб боради.



Бобур ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди.



МАРҒИЛОНДА УВАЙСИЙНИ КЎРДИМ

Бошланиши 1-саҳифада.

Спектаклни саҳналаштириш жараёнида ундаги воқеаларга мос миллий мақом йўналишидаги қўшиқлардан фойдаланган режиссёр Достон Ҳақбердиевнинг маҳорати таҳсинга лойиқ. Мусиқаларни саҳнага тайёрлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳсинжон Мўминовга алоҳида ташаккур!

Биринчи кўриниш Увайсийнинг “Кўрмадим” радифли ғазали билан бошланади. Ундан кейин “Чорзарб”. Амирий ғазали, халқ куйи билан. Либослар дизайни билан Райҳон Йўлдошева, рақслар бўйича Набижон Раҳимовлар ишлаган. Саҳналаштирувчи рассом Ихтиёр Ғойиповнинг меҳнати ҳам алоҳида эътирофга муносиб.

Спектакль ярмида тахт ўртасидан бўлиниб кетади. Бу кимнинг ғояси (муаллиф, режиссёр ё бошқа) билмадим, аммо жуда пухта ўйлангани шундоқ кўриниб турибди. Мазкур ҳолат хонликдаги вазиятни бир қарашда очиб беради. Тахтнинг бир бўлагида Увайсий, бир бўлагида ўғли. Бир-бирига талпинади, етолмайди. Саҳна марказида – оқ кийган икки ойчеҳра. (Ғазал бандлари икки мисрадан бўлишини эсланг!) Ўртада Увайсий. Бир томондан Муҳаммаджоннинг болалиги, бир томондан йигитлиги. Шўрлик она гоҳ унисига, гоҳ бунисига талпинади. Бу ҳолат ғазалнинг мақтаъсига довур давом этади. Авжи ҳам шунда!

Мени бекас Увайсий йиғлағайман
рўзи шаб тинмай,
Уйимнинг зийнати, кўз равшани,
хонимни соғиндим.

Золимлар дастидан фарзанд доғида қолган волида фарёди бутун зални титратиб юборди. Бурчак-бурчакларда онахонлар пиққиллаб, рўмолининг учини кўзига босиб-босиб олади. Ҳаҳ, онажон халқим! Биров нола қилса, жим қараб тура олмайди. Ҳатто у саҳна асари бўлса ҳам! Қўшилиб йиғлаб-йиғлаб олади. Сал қолса, саҳнага ўзини отиб, отинойини бағрига босганча: “Қўйинг, айланай, бўлди! Бунақада ўзингизни олдириб қўясиз!” деб юборадиганлар ҳам талайгина. Ана санъат! Ана халқ! Ана ҳамдардлик!

Дарвоқе, кўринишлардан бири тугал сўфиёна тус олади. Ғира-ширада Увайс Қароний, Иброҳим Адҳам, Алишер Навоий, Шоҳ Машраб сиймолари толиба – Жаҳон отин Увайсий атрофида айланиб, унга маънавий йўлбошчилик қилишади. Бош қаҳрамон улардан ибрат олади, савол беради, баҳслашади, ўгит ва танбеҳ эшитади.

Яна бир парда Қўқон ўрдасида Амирий аҳли илмлар, санъат ва адабиёт намояндалари билан мажлис қурган чоғларини тасвирлайди. Амир Умархон бир пайтлар Ҳиротда Алишер Навоий бошчилигида тузилган “Нафис мажлислар”га Ҳусайн Бойқаро ҳомийлик қилгани, ўзининг бу ҳолга ҳаваси борлиги ва Қўқонда ҳам шундай “Мажолис ун-нафоис” бўлишини истагани хусусида гапиради. Кенгаш аҳли буни маъқуллайди. Аммо йиғиннинг баъзи аъзолари аёллар шеърияти ва дунёқарашини кескин танқид остига олиб, хонликда ожизалар фақат уй-рўзғор ишлари билан машғул бўлгани маъқул, деган мазмунда гапиради. Табиийки, Амирнинг бундан жаҳли чиқди ва ўз эътирозини чиройли далиллар билан ифода этди. Айнан нима деганига қизиққанлар, марҳамат қилиб, Марғилондаги мусиқали мақом театрига қадам ранжида қилсун!

Асарни кўриш мобайнида бошимда бир фикр ғужғон ўйнади: “Мазкур спектакль Марғилондан бошқа жойда қўйиладирғон бўлса, бу қадар гўзал ва латиф чиқмас. Зотан бу тупроқда Увайсий ворислари камолга етган, ҳар бирида унинг юраги уриб турибди, нафаси уфуриб турибди. Аёллардаги водийча назокат, марғилонча лутф, нозик қадам олишлар, эрлардаги салобат ҳамда мақом ижросидаги анъанавийлик ўша давр муҳитини яхшироқ ҳис этишга ёрдам беради. Бу ҳам Самарқанд нонини бошқа ерда мазаси ўхшамаслигига монанд ҳодиса!”

Сиз ҳам келинг, кўринг, ана ундан кейин “Марғилонда шундай театримиз бор экан-у, биз билмай юрган эканмиз!” деб юборганингизни билмай қоласиз!

Ана энди сўнгсўз. Кимсан Муҳаммад Юсуф Марғилондай жойга келиб, биргина Кумушни кўриб, қайтган бўлса, фақирингиз бунда Увайсийни кўрди, Нодирани кўрди, Амирийни кўрди! Толеймидан айланай!

Шаҳриёр ШАВКАТ

ЯНГИ НАШР



Таниқли ёзувчи Собир Ўнарнинг “Танланган асарлар” китоби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилди. Унга адибнинг қисса ва ҳикоялари киритилган бўлиб, сайланмада ўзига хос жозибали тилда битилган ҳикоялар устуворлик қилади.

Китобда яна бир жиҳат ўқувчи эътиборини тортиши аниқ, яъни асарларда ижтимоийлик билан бир қаторда маънавий, оилавий, ахлоқий ва севги-муҳаббат каби муҳим ва эскирмас мавзуларга ҳам кенг урғу берилган.

СЎЗ МУСАВВИРИ

“Кунсулувнинг сирли хатлари”, “Интизор”, “Фаришта”, “Йигитларнинг бири”, “Бибисора” каби қисса ва ҳикояларни юқоридаги фикрларимиз тасдиғи сифатида кўриш мумкин.

Адибнинг маҳорати, сўз танлашдаги синчковлиги ҳар бир битикда намоён бўлиб туради. Қаҳрамонларининг ўзига хос характерини китобхон кўз ўнгида яққол кўрсата олган ёзувчи, асар композициясини ҳам маҳорат билан чиза билган. Собир Ўнар ижодида самимий, танти ва содда қишлоқ одамлари қаламга олиниб, уларнинг юксак инсоний фазилатлари улуғланади. Гўё ҳикоя ва қисса қаҳрамонлари ён-атрофингизда яшаётган одамлардек туюлади. Адиб асарларининг ҳаётийлиги ҳам айни шу жиҳатларда ўз аксини топган.

Ёзувчи услубининг бошқалардан фарқланиб турадиган яна бир хусусияти шуки, у ҳар бир асарда ўқувчи кутмаган ечимларни тақдим этади. Яхшилик билан тугайди, деб ўйлаган асарингиз якунида қаҳрамоннинг фожиавий тақдири интиҳосига гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Китобни мутолаа қилган ўқувчининг дунёқараши, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабати ўзгара боради. Чунки адиб ҳар бир қаҳрамони қисмати мисолида ўқувчи ҳаётига, унинг кўнгил кечинмаларига кўзгу тутади.

Жаҳонгир СОИБЖОНОВ,
ЎзМУ талабаси

ҲИКОЯ

СЕНИ ДЕЙМАН



Қулман ОЧИЛ

Ушбу кафенинг гавжум эшиги томон маҳзун назар ташлади ва ногаҳон юраги, йўқ, бутун вужуди музлаб кетгандай бўлди: ял-ял ёниб бир жувон кириб келарди! Кўзларига ишонгиси келмади: Рухсоранинг қуйиб қўйгандай ўзи! Бошяланг, дуркун, чиройли юз-кўзларида ўзига ярашган ўша ширин табассум. Уч йил бурун уни зор қақшатиб кетган жуфти ҳалоли! Ўзининг Рухсораси!

...Майин ёғаётган ёмғир кўкламни қўмсаган ерларга, сарғайиб сўлиган майсалар орасидан маъюс мўралаётган қабртошларга, дарахтларнинг яланғоч новдаларига, ялтираган холи-хилват кўчаларга, қад кериб турган ойнаванд биноларга гўё дардини айтиб шивирлайди. Шошилмасдан, алахсимасдан, шабаданинг раъйига қарамасдан шивирлайди. Дардки, ҳазин қиш кунларига хос – паришонлик, безовталик, дилгирлик, бесаранжомликка тўла.

Бундай лаҳзаларда нимани ўйласанг, қай бир ишга қўл урсанг, қай эшикка бош суқсанг – ҳаммаси бачкана ва маънисиздек туюлаверади. Илло, кўнглинг нима тусаётганини ўзинг билмайсан. Кўнгил деган чароғон гўшани зулмат босгандай. Ёришмайди. Айниқса, узундан-узун зимистон кечаларда. Пешона, дейсан, жон омонат, фано муқаррар, дейсан. Ҳар кимга насиб қилгани, дейсан. Ўтган ўтди, сабрли бўл!.. Яна нималардир деб мотамзада руҳингга далда берган бўласан, кошки, кор қилса, дилингга милтиллаган бир шуъла инса.

Сени жудолик деб аталмиш гирдибодга ташлаб кетган инсоннинг нуқсонлари ҳам энди фазилат бўлиб туюлаверса, соғинчу алам юрагингга ситам найзаларини беаёв санчаверса, нетасан? Қочиб қайга борасану кимдан паноҳ истайсан? Айниқса, ёшинг қайтган, саломатлик деб аталмиш мулкингнинг қолган-қутганидан бож-хирож тўлашинг тезлашган бўлса.

Икки четида салобатли иморатлар тизилиб турган кенг кўчанинг текис йўлкасидан бир-бир босиб бораётган барваста кишининг хаёлидан шундай мулоҳазалар ўтади. Қоматига ярашган ложувард курткасининг кулоҳдорини манглайигача ёпиб, бақувват қўлларини чўнтагига солиб олган бу одам ҳозиргина мозористондан чиқди. Ёмғир қувмаганида ҳали-вери у ерни тарк этгиси йўқ эди.

Шошилиб қаерга борсин. Бугун – 8 февраль. Комил Қориевнинг (тенг-тўшлари даврасида – Комил Қорининг) кўз очиб кўргани бандалик қилган кун. “Қори” деб аташларига ўзининг тархашликдан узоқ вазмин феъли, ақлли кўзлари, салобатининг ҳам дахли борлигини билади. Билгани учун унчалик димоғ-фироқ қилиб ўтирмайди. Кўникиб кетган.

Бу сукунат оламига илгари кунда-кунора келарди. Энди – ҳафталар, ойлар, йиллар ўтгани сайин қадами сийраклашиб бораётир. Тирикликнинг неки ташвиши бўлса, унга ҳам бегона эмас. Қачон, қаерда юрмасин, оёғи шаҳар заминига тегиши билан шу сокин даргоҳга шошилади.

– Рухсорани кўриб келмоқчиман, – дейди худди тирик одам ҳақида гапираётгандай. Бу сўзлар эндиги завжаси – Зоҳиданинг қулоғига ҳали сингишмаган, дувва қизариб, эри кундошиникига кетаётгандай мижжалари пирпирай бошлайди: “Етар энди? Қачонгача ахир?..” Шундай демоқчи бўлади-ю, ҳадди сиғмайди. Хаёлидан недир андишалар ўтади, чамаси. Туғёнида бош кўтарган таҳликали норозиликни тили навозишга айлантириб юборади: “Хўп-хўп!.. Ҳозир!” Эрининг ялтираган пойабзалини шоша-пиша яна бир бор артиб, эшикни кенг оча туриб, айбдор оҳангда қўшиб қўяди: “Ҳаво салқинга ўхшайди!”

Комил Қори унинг равиш-рафторини хаёлан Рухсорага таққослаб, Зоҳида эса ўзини марҳумадан яхшироқ кўрсатишга уриниб чарчайди. Раҳматли шошилмасдан гапирар эди. Бу – бидир-бидиррок. “Тезотар”. Гапларини бирданига англаб олиш қийин. Эрининг истеҳзоли нигоҳига кўзи тушса, баттар довдирайди.

Сочига аллақачон оқ оралаган эркак тул қолса, хотин кишининг туғмасию бефарзандига рағбат билдиради. Зоҳида иқтисоддан илм қиламан, олима бўламан, деб умрининг ярмини сўққабош ўтказган. Комил Қори оғиз солганида ақлли аёлнинг гапини айтган: “Аввал раҳматли Рухсора опамни бирга зиёрат қилсак девдим!”

Комил Қорига марҳума доим йўлига кўз тикиб, зор-интизор кутаётгандай туюлаверади. Илгаригидай, яйраб суҳбатлашгиси келади.

“Қалайсан, Рухсоргинам? – дейди дилкашлик билан ўзини-ўзи овутмоқчи, чалғитмоқчидай. – Яхшимисан?”

Шундай дейди-ю, филҳол пастки лабини тишлаб қолади: “Тупроққа қоришиб ётган одамнинг аҳволи қандай бўлиши мумкин? “Яхшимисан”га бало борми? Ажал билан ўйнашяпсанми?”

Ўринсиз сўзлари учун марҳумадан кечирим сўрашга тушади. Рухсора жавоб бермайди. У энди ҳеч қачон жавоб бермаслигини, беролмаслигини англаган завжининг хўрлиги келади. Иккаласининг масъуд кунларини эслашга уринади. Уringани сари қароқларини босиб келаётган ашк дарёсининг шиддати кучаяверади. Унинг йиғлоқи бўлиб қолганидан хабар топганлар зимдан мийиғида кулишини (“Ҳа энди, акаям қариди-да! Қачонги Комил Қори!”) аллақачон сезган. Қўл силтайди: танаси бошқа дард билмас! Музтарлиги ортади.

Қабристонда ўй-хаёл босаверади. Рухсорани биринчи марта учратгани, биринчи бор гап қотгани кўз олдига келади. Гаплашар экан, қизнинг юз буриб кетишидан хавфсираб турганларини юраги ҳаприқиб эслайди.

Уни метрода кўриб қолиб, пединститутнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетигача изидан борган. Қиз сезган. Сезганини сездириш учун ҳуркак нигоҳидан шундай бир мафтункор табассум ҳадя қилганки, эслаганида ҳалигача Комил Қори бўзболадек ич-ичидан энтикиб кетади. Рухсора кейинчалик опаси билан унинг ишхонасига – Меъморлар уюшмасига борганларини ва орқаворотдан суриштирганларини кула-кула айтиб берган.

– Кўзга яқин йигит экан, – деган опа бўлмиш. – Сенга ўхшаган хушторлари юздан ошса керак.

– Мингдан ошсаям майли!..

– Эртага бир куни ўзининг Ғелонига кўчиб кетса, нетасан? Келопти, боропти, деб юрасанми?

– Юрсам-чи?..

Ижроқўм берган бошпанасига куёв ўйлаб-нетиб ўтирмасдан “Шоҳсарой” деган шоҳона ном берган. 1966 йили зилзилада вайрон бўлган Тошкентга финлар совға қилган ёғоч уй. Иккинчи қаватдаги каталакдек пастқам хоналар, у ёқдан-бу ёққа бурилишинг маҳол йўлак, чумоли юрса ҳам ғачир-ғучур қиладиган омонат зиналар... Тўкилай деб турган ўша иморат икки ёшнинг кўзига шоҳлар ўрдасидан ҳам маҳобатли ва фусункор кўринганида, куёв ўзини хоқонлардан ҳам қудратлироқ ва бахтлироқ ҳис қилганида ҳазил йўқ. Эсласа, ҳалигача завқи уммондек тўлиб-тошади. Аввал-оқшомлари ишдан қайтган хоқонни дунёдаги энг ақлли, энг гўзал, энг сариштa келинчак барқут либосларда боши осмонларга етиб кутиб олган! Соҳиби салтанат остонаси унга бургутдай ташланар экан, иккиси оппоқ чойшаблари, парқу ёстиқлари кўзни қамаштирувчи қўшўринли жойхобига етиб боролмаган! Полтахталари лопиллаб турган йўлакдаги қирмизи пойандознинг устида бир-бирига илондек чирмашиб кетганки, қони вулқондай қайнаб ётган, бир-бирига ташна икки навқирон вужуддан бошқа яна нимани кутасиз!..

– Соғиниб ўлай дедим! – дерди тизгинсиз эҳтиросларнинг асирига айланиб бўлган хоқон.

– Қўйсангиз-а! – дерди келинчак ғамза-адоси билан. – Ҳар куни ёнингиздаман-ку!..

– Кўз очиб юмгунимча соғинаверсам, нима қилай?..

– Бу кетишда белимни синдириб қўйишингиз тайин!..

– Йўқ нарсани қандай синдирама-ан!.. Қани, бери кел-чи! Фаришта бел нима қилсин!..

Рухсоранинг майин ва босиқ табассум аримайдиган ёруғ рухсорида аслзодаларга хос сеҳр, нур бор эди. Палаги тоза, ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрган, турмушнинг маънисига етган одамохун оиланинг фарзандларида бўлади бундай улуғвор хотиржамлик. Айни илоҳий талъатнинг қаршисида ҳар қандай териси қалин кас бирдан ҳовуридан тушиб, мулойим тортиб қолади.

Комил Қори унинг маъюслик муҳрланган чарос кўзларига яна бир бор термилиш учун қолган умрини гаровга қўйишга рози. Қани энди, иложи бўлса! Шунча йил бирга яшабдилар-у, унинг бирор гапи, бирор қилиғи, бирор айби малол келмапти. Доим эрининг кўнглига қарарди. Энди ўйлашича, бир йигитнинг бахти, омади, давлати бундан ортиқ бўлмас!

Бошига жудолик тушган кунлари – ҳар қадамда, ҳар нафасда, ҳар бир аёл кўзига Рухсора бўлиб кўринар, қулоғига чалинган ҳар бир сас уни эслатаверар эди: қушлар чуғур-чуғурида – Рухсора, идиш-товоқ шарақ-шуруғида – Рухсора, болаларнинг қийқириғида – Рухсора, эшикнинг ғичирлашида – Рухсора, шабада олиб келган гул ифорида – Рухсора. Гўё, Рухсора дунёни сеҳрлаб, умрбод ўзиники қилиб, қулфлаб-муҳрлаб кетган. Фақат ўзи йўқ!

Бутун иродангни ишга солиб, айрилиқ гирдобидан қутулмоқ чорасини излайсан, тиришасан-тирмашасан, кўзингга кўринган хасга жонинг ҳалқумингга келиб ёпишасан, қани энди нафи тегса. Тегмайди. Тегмагандан кейин умидларинг узилиб, ўзингни унинг майлига қўйиб берасан. Тортиб, ютиб кетади. Ютиб кетгани шулки, эрталаб юзингни чайишга ўзингда ҳафсала тополмайсан. Гўё, гир-атрофдаги ҳамма нарса ёниб кул бўлгану бу ёруғ оламда танҳо ўзинг қора қурумга ботиб, тентираб қолгансан. Фақат уни ўйлайсан, фақат уни эслайверасан. Бировни кўришга, ҳатто жажжи невараниг билан овунишга ўзингда куч-қувват, ҳафсала тополмайсан.

Комил Қори кўча четидаги “Sayyor” кафесига бурилди. Оёқлари негадир уни уйига эмас, шу манзилга бошлади.

* * *

Ўша йили қаҳратон аччиқ келиб, қор жуда мўл ёғди. Боғ-роғ, дала-дашт, кўча-кўйдаги дов-дарахтлар ўз йўлига, не бир хонадонлар, иморатлар ичидаги гулу буталарни ҳам совуқ олиб кетди. Қаршида хизмат сафарида юрган Комил Қорининг кўричаги буралиб, ғужанак бўлиб қолди. Аввал жарроҳнинг эътиборига, кейин тиғнинг тагига тушди. Ичаги ёрилиб кетишига бир баҳя қолган экан. Операция хийла чўзилгани хотинининг қулоғига етмай қолармиди. Ўша заҳоти йўлга чиққан Рухсора тун оққанда поезддан оёқяланг тушгани толе улардан юз ўгириб, қурбонлик сўрашга ўтганидан белги экан.

Иккига бўлинган шарфини оёқларига пайтавадек ўраб, тўзий бошлаган эски калишда тизза бўйи қор кечиб келган умр йўлдошини кўрган эри кўриниши билан ёрилиб кетмаганидан пушаймон егани рост. Янгигина этиги билан сумкачасини поездда кимдир илиб кетибди. Унинг кечаси соат уч яримда поезддан оёқяланг тушиб, юз метр наридаги вокзалгача қандай етиб борганини тасаввур қилиш қийин. Муз, қор, изғирин, темирйўл вокзали ундан баттар, совуқ. Иситишга кўмир берилмайдиган даргоҳнинг бошлиғи шўрлик жувоннинг оёғига қўлбола печка қўйиб беради. Этик ваъда қилмайди-ю, “бирорта калишнинг гўрини қазиш”га астойдил уринади: “Унгача мана бу чойдан ҳўплаб, сал исиниб олинг, қизим!” Магазинлар қуриб-қақшаб ётган маҳаллар эди-да. Совуқсираган аёл вокзал ҳовлисидаги қўл чаядиган жойга ҳам боролмасдан бетоқатликда тонг оттиради. Эрталаб бошлиқнинг хотини марҳамат қилган эски калишни оёғига илиб, эри ётган шифохонага йўл олади. Унинг юзи ловуллаб кетган! Кўзини очишга мадори қолмаган. Эски дарди – боди қўзиган. Икки оёқда борган аёл бир ойдан сўнг уйига тўрт оёқда – қўлтиқтаёқда қайтади. Яна бир ойча шифохонада, сўнг ҳар йили беморхонаю сиҳатгоҳларда даволанади. Бир муддат тузалгандай, мактабидаги ишига қатнай бошлагандай бўлади. Лекин сўлиб бораверади. Билаги, тиззаси ва бўйнида безлар пайдо бўлиб, равон қадди ўзига бўйинсунмай қўяди. Икки ўғлининг бир кунда ўтган тўйи ҳам татимайди.

Парваришига кўнглидагидай оқсоч топилмайди. Биринг қўли эгри чиқади. Бошқаси беморга тувак тутишдан орланади. Учинчиси Комил Қорига очиқчасига кўз сузишдан тийилмайди. Талабалигини тугатмаган қўш келиннинг галма-гал навбатчилигида ҳам маъни чиқмайди. Ишига андармон бўлиб юраверган эр бўлмиш бир куни қараса, аёлининг белгинаси чойшабга ёпишиб, эти пишиб қолган.

Бардоши бақувват Рухсора ўксинади, лекин зорланмайди.

Ота ўғилларига айтади:

– Болаларим, энди сизларга қувват, топган-тутганларингга барака берсин. Мен энди оналарингга қарайман.

Меъморлар уюшмасидаги лойиҳа раҳбарлигидан бўшайди ва аёлининг ёнидан бир қадам ҳам жилмайди. Ичи тўла беқиёсу беандоза ҳангома. Илгари назарига илмаган нарсалардан севинч-саодат, таскин-тасалли топишни тиндира бошлайди. Оила аҳли иш, ўқиш, боғчасига кетганида аёлини елкасига опичлаб, туядай лўкиллайди. Дўхтир шундай маслаҳат берган: қони юришади! Ҳовли қийқириққа тўлиб, дардлар унутилади, қонлар кўпиради!

Кинотеатр деган масканнинг бўсағасини босмаганига “неча аср, неча йил бўлган” ўткир меъмор “Панорама”га чипта буюртма берадиган, театрларнинг репертуари билан қизиқадиган одат чиқаради. Бир куни – концертга, бошқа куни бадиий кўргазмага аёли “тахтиравон” – фалажаравада, садоқатли тансоқчиси ёнида, ясан-тусан қилиб кетаётганини кўрган қўни-қўшнилар бир зум тўхтаб, завқланиб салом беради. Баъзилари эгилиб таъзим қилади, алқайди.

* * *

Уни кафе мулозимлари тавозе билан кутиб олдилар. Салобатли меҳмон бош силкиб саломлашган бўлди-да, тўрга томон кўз югуртирди.

– Жойингиз бўш, – деди қотмагина мулозим ва ёлғондан ўзини тия олмади: – Сиз учун атайлаб банд қилиб қўйганман!

Рухсорага тўрдаги икки кишилик стол ёқарди. Кўча-кўйни томоша қилиб ўтиришга қулай. Фалажаравага кунлари қолганидан кейин ҳам, то хасталикнинг қуввати ошиб, қошиқни ушлаш азобга айлангунича, бу ерга келишни канда қилганлари йўқ. Яна борайлик деса, Рухсора йиғлаб ялинар эди: “Илтимос, мени қийнаманг!” Бармоқларининг бўғимлари ҳам қотиб қолгач, хотинига овқатни ўзи едириб-ичириб қўядиган бўлди. Ўзи юз-қўлларини ювиб, тўкила бошлаган чиройли тишларини авайлаб тозалар, пардоз-андозини ҳам ўзи уддаларди. Лаббўёқ, атир-упа, сурма-суруғи – ҳаммасининг энг сараларини олиб келарди. Ҳамшираликда сочи оқарган оқсоч ўрис кампирга ишонмас, томирга юбориладиган нинадорисини ҳам ўзи амалларди.

– Мен сизни бахтли қилолмадим, – дерди Рухсора ўкиниб.

Бундай пайтларда у тиз чўкарди-да, аёлининг қўлларини ўпиб, кўзларига суртарди:

– Бу дунёга юз марта келсам, юз марта ҳам сени дейман!

Бора-бора дард бутун танасига ёйилди ва аёл бўйнини ҳам қимирлата олмай қолди. Луқмани чайнаш азобга, ютиш ундан баттар кўргиликка айланди.

– Ғамсиз бошингизни ғамхона қилдим, – дерди табассум аримайдиган юзлари қошиқдайгина бўлиб қолган аёл. – Қизимиз бўлгандаям шунчалар қийналмас эдингиз.

– Бу қўшиқни унут, – дея жавоб қиларди эри. – Биринчи марта учрашганимиздан бери сенга меҳрим камайганини сездингми?

– Йўқ!

– Яна юз йил ёнимда бўл, сезмайсан! Дард – меҳмон. Бир кун келган бўлса, бир куни кетади.

Лекин боди беаёвнинг оёқ олиши қалтислигини, осонликча келиб-кетмаслигини, кетгудек бўлса ҳам, беморни ўзи билан бирга олиб кетишини сезиб турар эдилар.

Тилдан қолиб, қулоғи оғирлаша борди. Гапираётган одамнинг юзига серсолиб тикилар экан, нима демоқчи бўлаётганини англашга уринарди. Кечалари оғриқнинг зўридан инграр, кўзларидан ёши сел бўлиб оқарди-ю, бироқ оҳ-воҳга эрк бермас эди. Яшашдан нақадар безган бўлса-да, на бир шиква – шикоят, на бир зорланиш, на бир нолаи афғон билан ўзгаларнинг юрак-бағрини доғлади!

Бир куни шотут егиси келаётганини айтди. Қаҳратон қишда шотутни топиш осонми? Фарғонада бир кампирда бор экан. Жўнатди. Жўнатиш олдидан момо бечора сўради:

– Келин шотутга бошқоронғи бўлганмилар, ўғлим?

– Йўғ-а. Бир хумори тутибди-да.

– Ҳа-а. Бетоброқмилар дейман?

– Шундай, онажон?

– Сиз кими бўласиз? Завжими?

– Ҳа. Нима эди?

– Баракат топинг, болам! Бир банка сақлаб қўйган эдим. Ҳаммасини юбораман. Пул-мулингизни қўйинг. Таксичига йўлкирасини берсангиз, бас.

Шотут – Рухсоранинг сўнгги насибаси, сўнгги кунлари яқинлашиб қолганини ҳамма англаб турарди. Эри сўради:

– Яна нима истайсан, онаси? Айт, тортинма!

Иймана-иймана, ҳар бир сўзни ютина-ютина хириллаб айтди. Икки ўғли, икки суянган тоғи “Тез ёрдам” машинасини бошлаб келди. Рухсора, оёғини босолмаса-да, тўнғичи олиб берган гулдор оқ бурки этигини кийиб, ёнида эри билан қалин кўрпачалар солинган замбиларавали ўша “Тез ёрдам”да, ўғиллари, келинлари, неваралари – бутун оила ўзларининг машинасида телеминорага жўнадилар.

У ерда азамат мулозимлар кутиб туришган экан. Замбиларавада минораи калоннинг энг юқорисига – айланадиган ресторанга олиб чиқдилар. Ранги қатиқ зардобидек сарғайиб кетган бемор қорга бурканган она шаҳрини, ўткинчи дунёни гўё осмону фалакдан завқланиб томоша қилди. Мадорсиз оёқлари остида зангори олам ястаниб ётар, аёл унга суқланиб, энтикиб тўймас эди! Мижжаларидан тошиб чиққан томчиларда еру осмон жилвалангандай бўларди.

Икки кундан сўнг, тонг ёришар чоғда, қоқшол қўлини эрининг бақувват билагига оҳиста қўйиб, заиф, ғоят заиф овозда шивирлади:

– Мен кетяпман... Рози бўлинг, Ҳаётим!..

Ва аёл бу дунёни ташлаб кетади. Ажабки, унинг тириклигида муздай қўллари ва юзларига умри адоғига етганидан сўнг латиф бир илиқлик югургандай эди.

Кейин одамлар гув этиб келадилар-да, унинг ёстиқдошини елкаларида гувва кўтариб кетадилар. Шоша-пиша кавланган ерга топширадилар ва гув этиб тарқаладилар. Гувиллаб турган уй, гувиллаб турган ҳовли, кечагина унинг оёқлари остида гувиллаб ётган улкан шаҳар ҳувиллаб қолади. Гўё аёл чароғон дунёнинг чироғини ўчириб кетган. Чироғидан айрилган эри қадам босишдан чўчиб, туртиниб-суртиниб, довдираб юрадиган кекса басирга ўхшаб қолади.

* * *

Официант келиб, енгил таъзим қилди:

– Ҳар доимгидекми, дода?

Дода тасдиқ маъносида бош ирғади:

– Шўрва, – деди хомуш. – Коньяк. Юзта. Йўқ, икки юзта. Баъдаз аччиқ қаҳва.

Рухсора билан келганларида ичмасди. Сўнгсўнг ёлғиз ўзи келиб, сўппайиб ўтирганида, оз-оздан оладиган бўлди.

Комил Қори эшик томон маҳзун назар ташлади ва ногаҳон юраги, йўқ, бутун вужуди музлаб қолгандай бўлди: ял-ял ёниб бир жувон кириб келардики, Рухсоранинг ўзи! Уч йил бурун эрини зор қақшатиб кетган хасми ҳалоли! Ўзининг Рухсораси!

Жувон унинг ёнидан беэътибор ўтиб, ойнаванд деворга тақаб қўйилган стол бўйидаги юмшоқ ўриндиққа ўзини ташлади. Қаршисидан бурни ўроқнинг учидайгина бир йигит жой олди.

Комил Қорининг хўрлиги келди: яна туш кўряпман деб ўйлади ўкинч билан. Рўёда Рухсоранинг пойига тиз чўкиб, тўтиё ранг ҳарир кўйлагининг барларидан ўпганлари, нафис қўлларини кўзларига суйиб сурганлари хотирига келди. Шу тобда бундай қила олмас, аёлнинг ёнида бегона эркак ўтирар эди.

Сиртдан қараганда, улар эр-хотинга ҳам, унда-бунда хуфиёна учрашиб юрадиган жазманларга ҳам ўхшамасди. Суқсурдай жувонни арғамчидай ингичка йигит билан бундай алпозда кўриш ажабланарли. Балки, ростдан ҳам эри, эҳтимол, шунчаки танишидир. Эҳтимол, ўз вақтида бир-бирига етолмаган шўрпешоналардир. Иккиси ҳам ўттизнинг нари-берисида. Йигит жувондан кўз узмас, жаги у ёқдан-бу ёққа тинимсиз бориб-келардию нимани чайнаётганини ўзи сезмасди, чамаси.

Жувон дағал тўқима жемперини ечиб, курси суянчиғига ташлади. Комил Қорининг ич-ичидан кўтарилган хўрсиниқнинг тафтига қоғоз тутилса, тутаб кетарди. Бу оппоқ билаклар, ингичка бўйин, мулойим қўллар... Рухсоранинг ўзгинаси. Фақат раҳматли минг оч бўлса ҳам, таомни назокат билан майда чайнаб ерди. Ичимликни нафис лабларининг учида ҳўпларди. Бу аёлнинг лунжи бўш турмас, оғзини каппа-каппа очиб, чайла кўрмаган чўпонлардай чайнарди. Танобий хонага дамо-дам кириб-чиқиб турган мижозларга ҳам, мулозимларга ҳам парвоси йўқ.

Комил Қори икки ёшнинг касб-корини тахминлашга ўтди. Иккаласи ҳам нари борса, ўрта мактабни чала-чулпа битирган. Юриш-туриши, кийиниши, ўзини тутиши айтиб турибди. Қўл учида кун кўрадиган серфарзанд оиладан чиққан. Бир қарашда, жувон ҳамшираларга ҳам ўхшаб кетади. Касал кўраверib, оҳ-воҳни эшитаверib, дийдаси қотиб кетган.

Ўтли нигоҳларини жувондан узмай ўтирган йигитнинг қўллари қизларникидай нозик. Иродаси сустроқ, танбалроқ одамларнинг қўлидан. Елкалари энсиз, ўзи чўпдек озғин. Автонозирмикин? Йўқ, шошқалоқлиги, аланглашига қараганда, бирорта эски машинанинг ижарачи-киракаши бўлса бордир. Киракаш десанг, коньякдан тап тортмай ураётир. Ким бўлганда ҳам, жувон унинг ақл-ҳушини олиб қўйгани аниқ.

Ёмғирнинг шиддати кучайиб, қоронғилик чўкаётган шаҳарга қор бостириб келаётганини хўрандалар сезмасди ҳисоб.

Шишадаги ёқут шаробни тинимсиз сипқораётган йигит қанчалик кўримсиз бўлса, қаршисидаги жувон шунчалик кўҳлик кўринарди. Ўша қора кўзлар, ўша қалам қошлар, ўша настарин каби оқ ва тиниқ юзлар. Зулуқдай сочлар ҳам ўша-ўша – учлари ичкарига енгил қайрилиб, чиройли бўйнини бегона кўзлардан яшириб турибди. Қадди қомати Рухсорадан сал тўлароқдай. Балки, енги калта тарғил кўйлаги шундай – тўлароқ кўрсатаётгандир.

Жувон қаршисида ўтирган ҳамроҳига на бир ноз-истиғно билан, на бир суқланиб қарай демасди. Демак, қизнинг қорни, маҳбубининг эҳтирос қайнаб турган навқирон вужуди оч. Майхўрнинг юзлари қизариб, кўзлари сузилиб қолган.

Ўтган бир соатдан мўлроқ вақт ичида аёл қўшни стол томонга лоақал кўз қирини ташламади. Комил Қори жувоннинг бош буришини жуда-жуда истарди. Илҳақ ўтирарди. Қани энди кўзлари унинг кўзлари билан учрашса, нигоҳлари нигоҳига дуч келса! Келса-чи? Келса, нима қилар эди? Билмас, англамас, лекин унинг биргина кўз қирига зор, маҳталу маҳлиё эди. Қария жувоннинг эътиборсизлигини ўзининг кексалигига йўйди: “Яна нима ҳақинг қолди, оғайни, – деб ўйлади. – Эрта-индин етмишга бориб турибсан-ку”.

Мўйсафиднинг олдидаги овқати аллақачон совиб қолган. Фикр-ёди уч қадам наридаги икки хўрандада, тўғрироғи, жувонда. Аёл таомнинг тагини нонга суриб олиб кавшар экан, тинимсиз гапирар, лунжидаги овқатни ютгандагина тили дам олгандай бўларди. Йигит унинг гапларини бош силкиб тасдиқлаган бўлардию бирор сўзи қулоғига кирмаётгани шундоққина кўриниб турарди.

Қиз қўзғолганларидан кейин ҳам Комил Қори томонга назар ташламади. Атайлаб қилаётгандай жемперини тескари ўгирилганича кийиб, эшик томонга равона бўлди. Шошилиброқ юрди. Икки қадам босиб, таққа тўхтади ва орқасига бурилди. Саватчада қолган икки-уч бўлак нонни қоғоз сочиқчага ўраб, латта сумкасига солгач, шеригининг изидан ошиқди. Шериги официантнинг ёнида бор-будини бой берган соққачи қиморбоздай шалвираб турарди.

Қария ташқарига қаради. Атроф ёришиб кетган: осмон оппоқ, дарахтлар оппоқ, ер оппоқ – қор.

Унинг раҳми келдими ё шунчаки одамгарчилиги тутиб кетдими, тортишиб турган икки йигитнинг гапига қўшилганини ўзи сезмай қолди:

– Қанча етмаяпти?

– Бир юз эллик, – деди официант. – Эртага олиб келиб берармиш. Кафилига ташлаб кетаётган телефонига қаранг. Текинга берсангиз, биров олмайди.

Комил Қори ҳамёнидан бир даста қизғиш пул чиқариб, учтасини мулозимга берди:

– Уч юз. Менинг ҳисобим ҳам ичида. Қайтими ўзингга.

Яна ўнта суғуриб, ошиғи нотавонга узатди:

– Хотинингизнинг пойабзали кўзимга юпунроқ кўринди, ука. Этик олиб беринг!.. Ҳаво совуқ. Бирор дард орттириб олмасин, тағин.

– Хотиниммас...

– Кимингиз унда?

– Синфдошим.

– Ёшликда берган кўнгил, денг?

– Айрилмас бало бўлур, – дея ишшайди йигит. – Раҳмат, амаки!

– Унда, мана, ҳаммасини олинг! – Комил Қори пулнинг қолганини ҳам лаванг синфдошга узатди.

– Йўғ-е, амаки? – дея ортига тисланди у ва иккиланиброқ қўшиб қўйди: – Уйда пулим бор...

– Олинг! – Кесиб гапирди қария. – Уйингиздаги пулни рўзғорингизга ишлатасиз!..

Мўйсафидга ҳам ҳайрон, ҳам ишонқирамай қараб турган йигит унинг ҳорғин кўзларида ёш ғилтиллаётганини кўрди. Чурқ этмасдан пулни олди ва лип этиб кўздан ғойиб бўлди.

– Шу ишни бекор қилдингиз, дода, – деди официант. – Бетайин одамга ўхшайди.

Комил Қорининг кўксидан хўрсиниқ аралаш бир нидо чиқди:

– Бу гапларингни қўй, ўғлим, – деди оҳиста, жуда оҳиста. – Ёнидаги – аёл киши...

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

КОМИЛАЛИК ТАЪРИФИ

Буюк алломаларимиз комил инсон орзусида кўплаб асарлар битган. Хусусан, ҳазрат Алишер Навоий қаламига мансуб “Ҳайрат ул-аброр” достонининг олтинчи мақолати ҳам “адаб даъби (хислати)”, “тавозеъ васфи” ва “ҳаё зиёси” таърифу тавсифига бағишланган. Мазкур бобда шу уч масала таҳлили билан боғлиқ ҳикматлардан баҳраманд бўламиз.

Мана бу сатрлар ҳар бир ота-онага бир ўгит бўлиб хизмат қилади:

Бириси қўймоқлик эрур яхши от, –
Ким десалар етмагай андин уёт.

Ҳар бир ота-онанинг зиммасида фарзандига яхши исм қўйиш масъулияти бор, дейилаётир байтда. Токи бу фарзанд уни чақиришган вақтда исмидан уялмасин.

Халқимиз бу ўгитга амал қилади. Чақалоқ туғилганиданоқ ҳамма унга яхши ном қўйиш учун изланади. Баъзи оилаларда бу борада бобо-бувиларга, ўқимишли инсонларга мурожаат ҳам қилишади.

Комил, Комила, Камол, Камола исмларига тез-тез дуч келамиз. Арабчадан тилимизга кириб келган бу сўзлар етук, тўлиқ, камчиликсиз деган маъноларни англатади.

Ҳозирги кунда мактабларимизда “Тарбия” фани ўқитиляпти. Ёш авлодни мукаммал шахс, яъни комил инсон қилиб тарбиялаш бош мақсадимизга айланган.

Хўш, фарзандларимизнинг комил ва комила бўлиб вояга етишида кимга таянамиз? Энг аввало, оналаримизга!

Бугун жамият ўзгараётган, онг янгиланаётган бир замонда яшаётган эканмиз, олдимизда турган масалаларни ҳал қилишда аёлларнинг ўрни ва иштироки муҳим.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг биз тилга олган бобида бола тарбияси ва уни ўстириш, ўқитиш, балоғатга етказиш борасида алоҳида тўхталиб, ота қатори онани ҳам бекорга улуғламаган:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

Тун-кунунга айлагали нур фош,
Бирисин Ой англа, бирисин – Қуёш.

Навоий бу матнда ота-онани Ой билан Қуёшга тенглаштириши замирида ҳам катта ғоя бор.

“Аёл” сўзининг маъносига бир эътибор берайлик. Асли арабча “аёл” сўзи – “оила” калимаси билан ўзакдош. Эски тилимизда “оила аъзолари” тушунчаси “аҳли аёл” бирикмаси билан ифодаланган шундан.

Чиндан ҳам, оиланинг файзу баракаси – кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. Халқимиз бекорга аёлларимизни “уй бекаси”, “хонадон фариштаси”, деб улуғламайди. Демак, аёл маънавияти – оила маънавияти тушунчасининг узвий қисмини ташкил этади.

Фарзандни камолга етказиш оилавий тарбияни тўғри йўлга қўйишдан бошланади. Оиладаги ўғил-қизларимизнинг қандай инсонлар бўлиб етишиши – ҳаммадан бурун аёлларимизга вобаста. Шунинг учун аксарият буюк қалам соҳиблари аёллар тимсолида ҳам комил инсон ғояси тарғибини амалга оширишган.

Рост, ўзбек аёли зиммасига том маънода миллий, шарқона маънавиятни сақлаб қолиш ва уни янада юксак даражаларда, замонавий асосларда давом эттириш масъулияти юкланган. Эҳ-ҳе, чинакам маънавиятли аёлларимизга хос қанчадан-қанча фазилат бор.

Навоий асарларидаги қатор ҳикоят ва ривоятларда эзгу фазилатлар қаламга олинган. Улар фақат эркак тимсоллари орқалигина эмас, аёллар мисолида ҳам кенг тарғиб этилган.

Не-не улуғларни, буюклик даражасига олиб чиққан ҳам оналар. Шу ўринда Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидан бир муҳим ҳикоятни эслаб ўтиш жоиз. Асарда Искандар мукаммал инсон сифатида тасвирланади. Лекин достондаги жаҳонгирнинг онасига ёзган мактуби берилган бобда Искандардай мукаммал инсон ҳам ўлими яқинлашганида ўзини онаси олдида айбдордек билганини баён этиб хат ёзади. “Бир умр сенинг хизматингни қилсам бўлмас эдими?” дейди.

Гарчанд Искандар ниҳоятда ақлли, дунёнинг катта қисмидаги кўп мамлакатларни эгаллаган жаҳонгир бўлишига қарамай, ҳаётининг охирида уни шунчалик буюкликка, улкан зафарларга мушарраф этган онаси эканини англайди, аммо фарзанд сифатида унинг хизматида бўла олмаганидан афсусланади, ўғиллик бурчини адо этолмагани учун ўзини айбдор ҳис қилади. Шунинг учун у мактуби орқали волидасидан кечирим сўрагандай, шу тариқа ўзига ўзи тасалли бергандай бўлади.

Асарда Искандар ўлимидан кейин етти иқлимдан донишмандлар унинг онасига таъзия билдиргани келишгани тасвирланади. Шу йўл билан шоир онага баҳо беради. Афлотун Искандарнинг волидаси замонасидаги энг оқила, шерюрак, юзлаб мард шерларга баробар зот эканини, Суқрот унинг энг етук, баркамол аёллигини, Балинос ҳушёр, донолигини, Буқрот тоғ каби вазмин, сабрли, Хурмус билимдонлигини, Фарфунюс сўзлари гавҳар, пурмаънолигини, Арасту ғамга бардошли эканини айтиб, таърифлайди, шу тариқа унга далда беради. Ушбу таърифлар орқали Навоий зимдан оналаримизни ҳар томонлама мукаммал бўлишга даъват қилади.

“Садди Искандарий” достонида келтирилган бошқа ҳикоятда бир шоҳга бир устунли уй қуриш орзуси тушади. Хизматчилари қидира-қидира тўғри ўсган бақувват дарахтни топишади. Унинг эгаси қари кампир бўлиб, ёғочини сотишга рози бўлмайди. Ниҳоят кампирга ёғоч оғирлигида олтин тортиб беришади. Уйни қуриб, ичини гавҳарлар билан безатганларидан кейин устунни ҳам зарнигор қилишади, яъни устига олтин суви билан ишлов беришади. Кунлардан бир куни кампир иморатни томоша қилишга келади ва ёғочни ўпиб: “Сен тўғри бўлиб ўсганинг туфайли ўзингни ҳам, мени ҳам олтинга кўмдинг!” дейди.

Тўғри ўсган чиройли бир дарахт кишини шунчалик бахтиёр қиладиган бўлса, тўғри сўз ва ҳалол одамнинг қилган иши, унинг фазилатини таърифлаб битириш мумкинми? Ҳикоятда Навоий оналар фарзандларини тўғри тарбиялаб, вояга етказсалар, улар бу эзгу фазилатлари билан ота-онасига шараф, жамиятига катта фойда келтиришини тик ўсган дарахт мисолида тарғиб этади.

Ҳазрат Навоий олтмиш йиллик умри давомида, аввало, миллатимиз, қолаверса, умумбашарият маънавияти ва маърифати равнақи учун бир умр хизмат қиладиган бой адабий мерос қолдирди. У барча асарларида инсони шарифни улуғлаганига гувоҳ бўламиз.

Буюк шоирнинг фалсафий ақидасига кўра, бутун борлиқ, жамики мавжудот инсон туфайли ва инсон учун яратилган. Шу сабаб инсонпарварлик унинг асарлари бош ғояси ҳисобланади. Шоир комил инсонга хос фазилатларни тарғиб этиш билан бирга аёлларда учрайдиган иллатларни ҳам қаттиқ қоралаган.

Бу, хусусан, “Ҳайрат ул-аброр” достонида кучли намоён бўлган. Асарни ўзига хос одобнома, деса бўлади.

Достоннинг асосини 20 мақолат ташкил этган ва ҳар бир мақолатда бир муҳим ҳаётий масала бадиий таҳлил этилган ва бунинг ҳаётий тасдиғи сифатида унга биттадан ҳикоят илова қилинган.

Адаб хусусидаги 6-мақолатга илова тарзида Нўширвон ҳикояси берилган. Бу шаҳзодадаги ҳаё мисолида қизларимизда ундан ҳам юксакроқ фазилатлар бўлиши лозимлигини уқтиради. Ёзилишича, Нўширвон бир чаманда гулрух ёри билан суҳбат қуради ва гўзал томон қўл узата туриб, кўзи бирдан наргис гулига тушиб қолади. У гул Нўширвонга одам кўзини эслатади. Шунда Нўширвон беодоблик қиляпман деб ўйлаб, гулдан уялади ва узатган қўлини тортади.

Бу ҳикоятда йигит кишида ҳаё, ибо, уят туйғусини таърифлаш орқали зимдан аёлларимизда бундай фазилатлар улардан кўра ҳам кўпроқ, юксакроқ бўлиши лозимлиги таъкидланади.

“Лисон ут-тайр” асарида келтирилган бир ҳикоятда эркаклар аёл кишига муҳаббат қўйиб, шунга берилиб кетиб, илмдан, маърифатдан узоқлашиб қолмаслиги ғояси илгари сурилади. Аёлнинг чиройига маҳлиё бўлиб, йигит ўз мақсадларидан воз кечмаслиги лозимлиги уқтирилади.

Арастунинг шогирдлари орасида илмий анжуманларда кимсан Афлотун билан ҳам баҳс қила оладиган зўр бир йигит бор эди. Устоз уни фарзанддек кўрарди. Лекин йигит бир моҳилиқога ошиқи беқарор бўлди. Тўйдан кейин китоб ўқишни ҳам унутиб, ёрининг олдидан жилмай қолди. Устознинг панд-насиҳатлари кор қилмади. Қарасаки, шунча меҳнати зое кетяпти. Ошиқлик бир умидли олимни илмдан айирмоқда. Арасту



бир махфий чора қилиб, келинга дори ичиради. Йигит, қанча югуриб-елса ҳам, келин дардига чора тополмай, устози олдига боради. Устоз шогирдини Искандар хизматига юбориб, ўзи келинни даволайди. Унгача келин озиб, бужмайган бир ҳолатга келиб қолганди. Йигит келиб қарасаки, унинг олдинги гўзаллигидан асар ҳам қолмаган. Устози шогирдига келинни кўрсатиб, гўзаллик ўткинчилигига ишора қилганди.

Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида отасига вафо қилмаган қизнинг аянчли тақдирини тасвирлайди. Тойир подшоҳнинг Малика исмли гўзал қизи бор эди. Шопур деган ёш подшоҳ Тойир юртига юриш қилиб, саройини қамал қилади. Малика Шопур таърифини эшитиб, унга ғойибона маҳлиё бўлади. Отасининг саройи дарвозаларини очиб беришга имконият яратади. Шопур мамлакатни эгаллаб, Тойирни ўлдиради. Маликага уйланади. Бир куни Малика ухлолмай қийналаётганини кўрганлар подшоҳга буни билдиришади. Шопур суриштирса, бир муруд, яъни нашвоти барги тўшак остида қолгани учун у шунча безовта бўлган экан. Шопур хотинидан: “Сени не навъ тарбият қилибдурларким, мунча нозук бўлубсен?” деб сўрайди. Малика отаси уни илик устига новвотни ун қилиб сепиб боққанини айтади. Шунда Шопур: “Андоқ парвариш берган отаға не вафо қилдингким, манга қилғайсен?!” деб, уни ўлимга маҳкум этади.

Навоий бу ҳикоят орқали отаси, Ватани, халқига вафо қилмаган аёл эрига ҳам вафо қилмаслиги масаласини ўртага қўяди.

“Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд ёшлик пайтлари тушида яссавия пирларидан Ҳаким Ота, яъни Сулаймон Боқирғонийни кўради. У Баҳоуддинни бир дарвеш ихтиёрига топширади. Бу тушини болакай она бибисига айтиб берганида, у: “Эй фарзанд, сенга яссавия шайхларидан бир насиба бўлади”, – деб башорат қилади. Йиллар ўтиб, Баҳоуддин ўша дарвешни ўнгида кўриб, унга бир неча йил муридлик қилади. Бу Халил Ота эди. Демак, Баҳоуддиннинг она тарафдан бибисида ҳам ажиб хислат мавжуд бўлган.

Ана шу “Насойим ул-муҳаббат” тазкираси охирида Навоий “эркаклар мартабасига етган ориф аёллар зикри”ни беради. Биз шу тариқа ислом оламида ўтган 35 нафар авлиё аёл ҳақида маълумотга эга бўламиз.

Хуллас, Навоийнинг қайси бир асарини ўқимайлик, у худди бугун ёзилгандек, бизга маънавият улашади. Демак, улар ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайди. Бу ижод намуналари ҳозир ҳам ёшларни тарбиялаш, уларнинг маърифатини оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Навоий асарлари ўзининг бой мазмуни, чуқур ғоялари билан кишилар қалбини ҳамиша ром этаверади. Шу тариқа улар ҳар замоннинг энг замонавий сўзи бўлиб қолаверади.

Зиёда ҒАФФОРОВА,
Тошкент амалий фанлар университети доценти

Бошланиши 1-саҳифада.



КИБРИМИЗ ОСМОН ҚАДАР...



Изоҳлар орасида кимдир “Шуни кўз-кўз қилиш шартми?” деган мазмунда муносабат қолдирса, асосий “қаҳрамонлар”дан чалғиб, кўпчилик шу бандага маломатлар ёғдиришга тушиб кетишади: “Бировнинг жўмардлигини кўролмас экансиз!”, “Бахтиёр отахонга ҳасадингиз келдими?” “Қўлингиздан келса сиз ҳам совға қилинг”.

Тадбиркорлик қилибди, ҳалол пул топибди – отасига улов олиб берадими, катта шаҳардаги “сити”лардан квартира совға қиладими – бу унинг шахсий иши. Бунга эътироз йўқ. Аммо шу ишини минглаган одамларга кўз-кўзлаши шартми? Ахир бунинг ортида динимизда ҳам, миллий қадриятларимизда ҳам қораланадиган **КИБР** аталмиш (унинг яна бир атамаси манманлик) бало ётибди-ку!

Худди шунга ўхшаш яна бир ҳолат ҳақида ҳам ижтимоий тармоқларда ўқиб қоламиз: “Фалончи уч нафар фарзанди учун алиментни олдиндан тўлади, яъни ажрашган хотини ва фарзандларига фалон сўмга квартира совға қилди”. Хурсанд болалар ва янги уй сурати ҳам илова қилинади.

Бу ўринда, ҳуқуқий тилда айтсак, ажрашган ота қонунда белгиланган тартибда онаси қарамоғида қолган болаларига суд қарорида кўрсатилган алиментни бир йўла, яъни барчаси балоғат ёшига етгунига қадар адо қилиши лозим бўлган миқдорни тўлаб берди, холос. У оталик бурчини ва қонун талабларини бажарди. Бу икки ёки уч шахс орасидаги “олди-берди” ҳолати. Буни ижтимоий тармоқларга ёйинлаш, “саховатпеша ота”ни улуғлаш қайси мезонларга тўғри келади? Буям бемеҳр отанинг кибри эмасми аслида? Худди шундай! (Яхшиям “Фалончи амалдор давлатга етказган фалон миллион сўм зарарни биратўла нақд пулда қоплади”, деган мазмундаги суд ижрочисига айбдор (асли жиноятчи) топшираётган қоп-қоп пуллар суратини ҳали ижтимоий тармоқларда кўрмадик. Кўриб қолсак, ажабланмаймиз ҳам).

Қуйида айтмоқчи бўлганимиз кибр балосининг яна бир намойиши борки, бунга мос атама тополмадик. Сиз уриниб кўринг-чи!

Каттагина корхона раҳбари пора билан қўлга тушиб, узоқ муддатга қамалиб кетди. Жазони ўтаб қайтгани шарафига ўғиллари элга дастурхон ёзишди. Яқинлари, таниш-билишлари қутлаб боришди ва... ҳайратдан (асли хижолатдан) лол қолишди. Эҳсон берилаётган тўйхона олдида қора тусли яп-янги, устларига гуллар ва шарлар боғлаб ташланган, “Хуш келибсиз, отажон!” деган алвон ёзув осиғлиқ енгил машина турган экан. Мезбон – қамоқдан чиққан порахўрнинг ўғли меҳмонларга “Отамиз қамалганида кун келиб озодликка чиққанларида шундай кутиб оламиз, кўнгиллари ўксимасин, деб ният қилгандик. Мана, шу кунларга етказди. Отамиз роса хурсандлар!” деб мақтанарди...

Нималар бўляпти? Наҳотки феълимиз шу даражага борди? Қилғиликдан уяладиган эмас, фахр туядиган бандаларга айландик.

...Ён қўшнимизнинг ўғли балоғатга етмаган ўқувчи қизнинг номусига тегиб, ўн олти йилга қамалди. Отаси касалманд ҳолига беш-олти йил хориж мамлакатларига бориб ишлади. Мақсади: ўғли қамоқдан чиққан куни унга енгил машина совға қилиш ва тўйини ўтказиш. Икки одам тўпланган даврада орзусини айтишдан уялмас, тингловчилар на эътироз билдириш, на маъқуллашини билмас, ерга қараб (аслида бир-бирига яширинча имо-ишора билан мийиғида кулиб) ўтиришарди.

Бу нима? Кибрнинг қай босқичи бу? Ўтмишимизда бунга ўхшаш воқеалар бирор тарихий битикда ёзиб қолдирилганми?

Билмадик.

Яна бир шунга ўхшаш “саховат”ни (буни “жўмардлик” деб баҳолайдиганлар кўпчилик) қай бир фарзанднинг отаси ёки онасига умра зиёратига бориши учун йўлланма совға қилганида ҳам кўрамиз. Яна ўша лавҳалар: йўлланма тақдим қилаётган фарзанд, бир парча қоғозни кўз ёшлари билан қабул қилаётган ота ёки она.

Шу ўринда “Ўнг қўлинг қилган хайрни (саховатни) чап қўлинг билмасин!” дейилмиш қадим отасўзимиз борлигини қайта ва қайта эслатишимиз муносабат билдирувчи қатлам олқишлари остида кўмилиб қолиб кетади.

...Эсимда, йигирма йиллар олдин бир танишим маслаҳат сўраб келган: “Отамиз умр бўйи ҳаж зиёрати орзуси билан яшадилар – ўша вақтлари қўлимиз калталигидан орзулари амалга ошмади. Энди тадбиркорлик қилиб, анчагина сармоя эгаси бўлдим. Отам учун ҳаж зиёратини “омонат усул”да адо этмоқчи бўлганимда бировлар қарши чиқди. Нима қилишни билмай бошим қотган...”

Отасининг армони ичида қолиб, азоб берган фарзандни тушундим ва маслаҳат бердим: “Шу ҳажга атаган пулингизни бирор муҳтож оилага беринг! Умри бўйи дуо қилади”.

У розилик бергач, шунчаки эслатдим: “Буни мен билдим, сиз билинг – бошқалар билмасин! Сиз ёрдам қилган оила фарзандлари ўқсиши мумкин. Беринг, кетинг, бирор жойда айтманг!”

Шундай қилди. Ўша муҳтож оила танишим берган пулни тижорат банкига омонатга қўйиб, уч йилдан сўнг фоизлари ўсиб, эвазига икки хонали уй олди.

Куни-кеча “темир дафтар”да турган оила янги уйга кўчиб ўтганини эшитганлар ҳайратланди. “Ҳокимлик ёрдам қилгандир”, деди бировлар. “Ҳомийлар кўмак кўрсатишган”, деб тусмоллаганлар бўлди. Ҳеч ким ўша саховат эгасини эсламади, чунки у буни ошкор қилмаганди.

У кибр нималигини билмасди, одамгарчилик тамойиллари билан тарбияланганди.

Ота-онасига ҳаж зиёрати йўлланмаси совға қилаётганларнинг яна бир қатлами тағин-да “илгарилаб” кетишган. Улар ҳаж зиёратидан қайтган отаси ва онасига енгил машина совға қилганликлари ҳақидаги лавҳаларни ғурур билан ижтимоий тармоқларга ёйинлашяпти. Ҳаж зиёратидан қайтгани шарафига берадиган дабдабали тўйларда калитларини қарсаклар остида топширишяпти ҳам.

...Шундай хабарларга кўзим тушганида улуғ шоиримиз Эркин Воҳидовнинг “Камтарлик ҳақида” шеъри беихтиёр эсимга келади.

Яна татар жадидлиги етакчиларидан бири Ризоуддин ибн Фахруддиннинг қуйидаги фикри ёдимга тушади: “...Келажак ҳаётингизда мумкин улуғ олим бўлмасин ёки таниқли бир муҳаррир, балки машҳур хатиб, савдогар ва ё бошқа ким бўлсангиз бўлинг, аммо ҳусни хулқдан бир қарич ҳам четга чиқманг. Ҳеч қачон кибрга яқинлашманг!”

Жадид бобомиз кибрни ҳусни хулқнинг бирламчи душмани деб билгани бежиз эмас. Ҳозир эса... “душман” аллақачон остонани ҳатлаб, тўрга чиқиб, ястаниб олишга улгурди.


...Куни кеча кенжа ўғлим ийманиб айтиб қолди: “Сизга янги ётоқ мебели буюрмоқчи эдим”. Сездимки, бирор йигирма йилки беминнат хизмат қилаётган ётоқ диван эскирганидан ўғлим уялган.

“Майли, аммо ўша матоҳни келтирганингда суратга олиб ижтимоий тармоққа қўйиб юрма!” дедим ҳазил ва жиддий оҳангда.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЯНГИ ЛОЙИҲА

Бугун Ватан тарихига ҳаққоний назар солиш, йиллар давомида хаспўшланган воқеликлару аянчли тақдирлар ҳақида рўй-рост гапириш, таҳлил ва тадқиқ этиш имкони берилди. Зеро, Янги Ўзбекистон ва унинг бунёдкори зиёли олимларимиз ва маданият арбоблари, ижодкорлар олдига аниқ-тиниқ вазифа қўйдилар: уч минг йилдан ортиқ бой тарихимизни бор бўй-басти билан бугунги ва келгуси авлод кўз олдида гавдалантириб, фахр ва ифтихор туйғуларини тарбият этмоқ кун тартибига чиқди.



Жўрабек РЎЗМЕТОВ,
Кинематография агентлиги бошқарма бошлиғи

УЛУҒ МУРАББИЙ

Бу ишонч ва далдадан руҳланган ижодкорлар мозийнинг очилмаган қирралари, унутилган шахсларини тарих саҳнига олиб чиқишда янгича саъй-ҳаракат бошлади. Тарихни илмий асосда ўрганиш, тадқиқ қилиш бевосита тарихчи олимларимизнинг, ихтисослаштирилган илмий муассасаларнинг вазифаси эканлиги равшан. Аммо, тарғибот борасида адабиёт ва санъат, хусусан кинематографиянинг таъсирчанлик кўлами анча кенг. Ҳаққоний тарихни гавдалантиришда кино халқчил восита сифатида муҳим ўрин эгаллайди.

Модомики, ўтмиш хусусида гап борар экан, бир асрлик тарихга эга ўзбек бадиий киноси ва унда ёритилган тарихий воқелик борасида қисқа бўлса-да тўхталишни лозим топдик.

Ўтган асрнинг қизил мафкураси заминимиздан етишиб чиққан улуғ зотларни бирор ёруғ кун кўрмай адолату ҳақиқатдан мутлоқ мосуво чорасиз ғариблардек талқин этган. Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ҳақидаги ўша давр маҳсули бўлган фильмлар фикримизга ёрқин мисол. Ҳамза ҳақидаги кўп қисмли фильмни-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб Совет ҳукуматини ўрнатиш учун енг шимариб майдонга тушган ясама қаҳрамонлар ҳақидаги чўпчаклар ўша давр томошабинини ҳайратга солгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Шу тариқа катта авлод киночилари тили билан айтганда, “Ўзбекфильм” “Басмачфильм”га айланди. Шу соҳанинг ёши бир жойга бориб қолган вакили тамшаниб, Юсуф Ялангтўшни (“Осиё устида бўрон” фильми қаҳрамони) соғинганини, шундай фильмлар яратилмаётганидан нола қилганига гувоҳ бўлдим. Ўзбек киносининг ярим асрдан кўпроқ таржимаи ҳолида бундай ҳодисалар, афсуски, кўп учрайди. Тўғри, давр шундай бўлса, тузум шундай бўлса, талаб шундай бўлса, фирқанинг йўриғига юрмаган ижодкор жисман ва маънан йўқ қилинган, қатағондан ўлмай-нетмай бир амаллаб ўтганлар мудом қўрқувда яшаган бўлса, шўринг қурғур киночи нима қилсин?! Шундай киноасарлар билан бир қанча авлод улғайди. Бугун асл моҳиятни англаган зиёлилар қаторида оқни қорадан ажрата олмаётган “Инқилоб чавандозлари”, “Қора консулнинг ҳалокати”, “Қўқон воқеаси”, “Еттинчи ўқ”ни соғинаётганлар талайгина. Шунга шунча ғавғоми, деган нуқтаи назар билан қаровчилар ҳам топилади.

Кино соҳасида ишлаётган миллатпарвар ижодкорлар, кўплаб зиёлилар ноиложликдан пинҳона ўкиниб юрганида муҳтарам Президентимиз муҳим тарихий ташаббусни илгари сурдилар. 2024 йилнинг 16 май куни Киночилар саройига ташриф буюриб, Ўзбекистон кино санъати музейи билан танишдилар. Киноижодкорлар билан суҳбатлашган Президентимиз “Тирик тарих” фильмлар туркумини яратиш дастури юзасидан мулоҳаза юритдилар. “Агар тарихимизни дунёга тараннум этмоқчи бўлсак, буни



биринчи навбатда кино ёрдамида амалга оширишимиз керак. “Тирик тарих” дастури шонли ўтмишимизни чуқур англаб шу асосда келажакка ишонч билан дадил қадам қўйишга, ёшларни чинакам ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаб, Учинчи Ренессансни барпо этишга катта туртки бўлади”, дея таъкидлаганлари киноижодкорларни, шу жумладан барча зиёлиларни тўлқинлантирди.

Орадан қисқа вақт ўтиб, 5 июнь санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, “Тирик тарих” фильмлар туркумини яратиш дастури тасдиқланди ва 54 та тарихий фильм ишлаб чиқарилиши белгиланди.

Қарорда кинематография соҳасини янги босқичга кўтариш, миллий давлатчилигимизнинг уч минг йилдан зиёд тарихини, буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросини акс эттирувчи фильмлар туркумини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази, Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси ҳамда илмий-ижодий жамоатчиликнинг таклифлари асосида 2024-2027 йилларга мўлжалланган “Тирик тарих” фильмлар туркумини яратиш дастурини тасдиқлаш вазифаси юклатилган эди. Ушбу дастур орқали халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданияти, азалий қадрият ва анъаналари, эзгу орзу-интилишларини чуқур илмий асосларга таяниб, тўлақонли акс эттириш, Ватан озодлиги ва равнақи йўлида кураш олиб борган буюк саркарда ва давлат арбобларининг мураккаб ҳаёти ва давлатчилик фаолиятини холис ва ҳаққоний кўрсатиб бериш, тарихимизда ёрқин из қолдирган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, аллома ва мутафаккирлар, шоир ва адиблар, маърифатпарвар жадид боболаримиз, атоқли санъаткорларнинг илмий-ижодий мероси, уларнинг умумбашарий тамаддун ривожига қўшган муносиб ҳиссасини юксак ғоявий-бадиий савияда намойиш этиш каби олижаноб вазифаларни амалга ошириш мақсад қилинган.

Шунингдек, қарорга мувофиқ белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Кинематографияни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича миллий комиссия ҳамда Фильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини оширишга кўмаклашувчи миллий кенгаш тузилди. Миллий комиссия ва миллий кенгаш қўшма мажлиси баённида 2024-2027 йилларга мўлжалланган “Тирик тарих” дастуридаги фильмларни ишлаб чиқариш режаси, дастурга киритилган фильмларни ишлаб чиқариш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми, Миллий комиссия ва Миллий кенгашнинг янгиланган таркиби тасдиқланди. Шунингдек, Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети ва Фанлар академияси Тарих институти билан биргаликда “Тирик тарих” дастурига киритилган фильмларни юқори савияда ишлаб чиқариш мақсадида ижодий гуруҳлар (режиссёр, сценарист ва бошқа ижодкорлар) учун ўқув курсларини ташкил қилиш вазифалари юклатилган эди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида етук адабиётшунос ва тарихчи олимлар иштирокида жорий йилнинг 5 сентябридан 12 сентябрига қадар киноижодкорлар учун мўлжалланган “Махсус адабиёт”, 18 сентябрдан 26 сентябрга қадар эса “Махсус тарих” ўқув курслари ташкил қилинди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, дастурдан ўрин олган 18 та фильм халқаро ҳамкорликда суратга олиниши режалаштирилган. Жумладан, япониялик киноижодкорлар билан “Сакура ифори”, Корея Республикаси билан ҳамкорликда эса “Тақдир уфқлари” фильми суратга олиниши кутилмоқда.

“Тирик тарих” дастурига киритилган фильмларни ишлаб чиқариш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ 2024 йил 10 октябрдан 10 ноябрга қадар 44 та кинолойиҳа учун танлов эълон қилинди. Танлов якунига етгандан сўнг, ғолиб кинолойиҳалар аниқланиб, низомга мувофиқ киностудиялар ўртасида “pitching” (сармоядорларни топиш учун кинолойиҳалар тақдимоти) ўтказилиши режалаштирилган.

Тарих улуғ мураббий, деймиз. Ўтмиш сабоғи хатолардан хулоса чиқариб, келажакка собит қадам ташлашга, аждодларга муносиб бўлишга ўргатади.



МУНОСАБАТ

ТАРИХИЙ ХОТИРА БАРҲАЁТ

Президентимизнинг “Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши жадид боболаримиз ва қатағон қурбонларини хотирлаш, уларнинг илмий-маърифий меросини ўрганиш ишини янги босқичга олиб чиқди.



Мазкур қарорда сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини мувофиқлаштириш, сиёсий қатағон қурбонларини вилоят, туман ва шаҳарлар кесимида номма-ном аниқлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш, тегишли маҳаллалар ва умумтаълим мактабларида хотира бурчакларини ташкил этиш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Бунда Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари илмий ходимлари учун вазирлик ва идораларнинг идоравий архивларидан фойдаланиш, музей ва унинг ҳудудий бўлимлари фондларини мунтазам бойитиб бориш, янги экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш, бу борада замонавий ахборот технологиялари, мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Шунингдек, мавзуга оид китоблар, йўл кўрсаткичлар чоп этиш ва тайёрлаш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш мақсадида маҳаллалар, туманлар, ҳудудлар ва республика даражасида махсус фондлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали давр мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, кўп миллатли халқимизни Ватанимиз байроғи остида янада жипсроқ бирлаштиришни тақозо этмоқда. Бунинг учун асл тарихимизни тиклаш ва илмий нуқтаи назардан чуқур ўрганиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини, фуқаролик позициясини кучайтириш лозим.

Қарорда ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтасини мамлакатимизда Сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонлаш белгиланган. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда “Тарихий хотира, маънавий ва руҳий тарбия – Янги Ўзбекистон пойдевори” шиори остида барча туман ва шаҳарларда, маҳаллаларда, ташкилот ва муассасаларда маънавий-маърифий, тарғибот-тушунтириш тадбирлари ҳамда давра суҳбатлари, уч авлод учрашувлари, хотира ва қадрлаш кечалари ўтказилди.

Маълумки, нафақат жадид боболаримиз, балки таниқли истиқлол курашчилари ҳам мустамлака азобини тотган барча миллатларнинг манфаатини ўйлаган ҳолда курашга кирган. Коммунистик мафкура тарафдорлари эса ўз сиёсий мақсадларини амалга ошириш ниятида миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини аёвсиз топтаб, миллий қадриятларни оёқости қилган ҳолда жамиятда ўз ғояларини курол ва куч ёрдамида амалга оширишга ҳаракат қилишган.

Шу маънода мамлакатимизда бугун қатағон сиёсатига нисбатан эътиборнинг давлат даражасига кўтарилишидан кўзланган бош мақсад – кўп миллатли халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқини бирдай ҳимоя қилиш, ўзлигини намоён этишдан иборатдир. Бугун музейимиз илмий жамоаси томонидан Садриддинхон Шарифхўжаев, Аҳмадбек Мавлонбеков, Шеримбет қози Давлатмурод ўғли, Юнусжон ҳожи Оғалиқов каби шу вақтгача фаолияти, миллатимиз тарихидаги хизматлари кам ўрганилган миллий қаҳрамонларимиз билан бир қаторда, 1891 йил Кўҳна Урганч шаҳрида туғилган, “Хоразм ҳикоялари”, “Матёқубов”, “Жунаидхон” каби асарлари билан шуҳрат қозонган йирик адиб Борис Чепрунов, украин миллатига мансуб тарихчи, профессор Василий Яковлевич Яроцкий, белорус профессори Ярошевич Никонор Казимировичнинг ҳам мамлакатимиз тараққиётидаги тарихий хизматлари холис ўрганилмоқда. Илмий тадқиқотлар орқали кўп миллатли халқимиз манфаатларини ҳимоя қилган қатағон қурбонлари номини абадийлаштириш, илмий меросини ўрганиш муҳим аҳамиятга моликдир.

Баҳром ИРЗАЕВ,
Қатағон қурбонлари хотираси музейи бош илмий ходими

ЁДНОМА

Маъсуд РАСУЛИЙ:

“Отам покиза инсон эди”

Биз Самарқандда истиқомат қилар эдик. 1937 йилнинг иккинчи октябрь куни худди кечагидек ёдимда. Кутилмаганда дарвозамиз қаттиқ тақиллади. Мен отамга эргашиб эшикни очишга бордим. Ҳовлига қуролланган кишилар киришди. Бири ҳарбий кийимда, яна икки нафар аскар. Ўшанда ўн икки ёшда эдим. Отамнинг ранги бўзариб кетганини кўриб ҳайрон бўлдим. Улар бизга уйни тинтув қилиш ҳақидаги ордерни кўрсатишди. Тинтув роппа-роса саккиз соат давом этди. Уйдаги кутубхона жавонимиздаги ҳар бир китоб варақлаб чиқилди. Улар орасида арабий имлодаги шарқ қўлёзмалари, “Academiya” нашриётининг қимматбаҳо жилдлари, ўша пайтдаги, “ЗИФ” (“Земля и фабрика”) нашриётининг арзон китоблари ҳам бор эди.

Ҳарбий кийимдаги одам беш-олтита китоб ва бир даста суратларни ажратиб олди. Онамни ҳам олиб кетмоқчи бўлишди. Аммо онам фарзанд кутаётгани – ҳомиладор бўлгани учун уйда қолдилар. Фақат ҳеч қаерга кетмаслиги ҳақида ундан тилхат олишди.

Тинтув пайтида отам китоб ўқиб ўтирганлари ҳали ҳануз кўз олдимда турибди. Ўйлаб қарасам, отам шу зайлда ўзининг мустаҳкам иродасини намоён қилган экан. Ўқиётган китобини ёпиб, ошхонага ўтиб хотиржам овқатланган ҳам эди. Олиб кетар маҳали бошимга қўлини қўйиб: “Тушкунликка тушма, ўғлим”, деди қатъият билан. Онамга қараб: “Бу англашилмовчилик. Текширади ва мен, албатта, қайтаман”, деди. Бу отам оғзидан мен эшитган охирги сўзлар эди. Бу воқеадан кейин орадан йиллар ўтди. Мен умид ва илинж билан эшик пойладим. Отам қайтиб келиши ва эшигимиз тақиллашини умид билан кутдим. Аммо қисмат имзоси ўзгача экан...

Отам Маъруф Расулий 1900 йилда туғилган бўлиб, дастлаб шаҳар масжиди қошидаги бошланғич мактабда, кейин рус-тузем мактабида ўқиган эди. 1918 йилда Самарқандда биринчи советлар мактаби очилишига бош-қош бўлган эди. Унга ажойиб педагог-новатор Абдуқодир Шакурий мудир қилиб тайинланади. Отам эса Шакурийга ёрдамчи бўлади. Отам илк марта онамни шу маърифат даргоҳида учратган экан.

Совет мактабида қизлар паранжига ўраниб ўқишарди. Дадамнинг кичик синглиси Муҳтарам аммам ҳам шу ерда ўқирди. Шунингдек, онажоним Муҳаррам Абдулла қизи ва унинг синглиси Музаффара ҳам шу даргоҳда таълим олишади. Муҳтарам акаси берган китобларни ўқиш учун Муҳаррамга элтиб беради. “Ўқиб бўлинган” китоблар изига қайтади. Орада бориб келаётган китоблар орасида икки қалбнинг муҳаббат мактублари яшириниган бўлади...

Отам жуда юмшоқ феълли, барчага ҳурмат ва иззат билан қарар эди. У билан бир марта суҳбатлашган одам яна гаплашгиси келарди. 1917 йилда Бухоро амирининг буйруғи билан Садриддин Айнийга 75 дарра урилади. Адиб жароҳатлардан дастлаб Когонда даволанади. Кейин уни Самарқанднинг Сўфи Розиқ мавзесида яшайдиган онамнинг оталари – Абдулла Абдухолиқов ўз уйига олиб келади. Бобомнинг кенжа ўғли Ғани Абдулло шундай эслайди: “Айний билан учрашув болаликдаги энг ёрқин хотираларим сирасига киради. 1917 йилда Самарқанддаги Сўфи Розиқ мавзесидаги кўчадан файтон ўтиб борарди. Унда отам билан Айний ўтирганди. Шу кундан бошлаб адиб бизнинг уйда яшай бошлади. Бир куни меҳмон яшайдиган хона деразаси очиқ экан. Айний ярим яланғоч ҳолда орқасини деразага қилиб ўтирган экан. Кўзим тушиб қолди, қонга бўялган дарра излари энди-энди бита бошлаган эди...

1918-1919 йилларда Самарқандда кўплаб ёшлар тўгараклари ташкил қилинади. Отам Маъруф Расулий Эски шаҳарда илғор ёшлар тўгарагини очади. Самарқанд шаҳар ветеранлар кенгаши раиси Раҳим Шокирбеков ўз мақоласида отам ҳақида шундай ёзган эди: “Мактабга бу инсон номи берилиши жуда қувонарли. У халқ таълими соҳасига кўп куч сарфлади. 1925 йилнинг сентябрь ойида матбуот ходимларининг катта йиғилиши бўлди. Йиғилишда жуда кўп одам гапирди. Аммо журналист Маъруф Расулийнинг нутқи нафақат менда, барчада катта таассурот қолдирди”.

20-йилларда отам Самарқанд халқ таълими бўлимини бошқарди. “Маориф ва ўқитувчи” журналида қатор мақолалари эълон қилинади. 1925 йилдан “Зарафшон” газетасига муҳаррир бўлади. Шунингдек, унга илова тарзида “Машраб” журналини ҳам чиқаришади.


Отам ўша пайтларда ёш журналистларни тарбиялаш ишига алоҳида эътибор қаратади. 1926-1928 йилларда отам Ўзбекистон Наркомпросининг сиёсий-маърифий бўлими бошлиғи вазифасига киришади. Ўша пайтларда адабиёт ва санъат соҳасига ҳам ушбу бўлим масъул эди. Шу боис отам ёзувчи, актёр ва санъатнинг бошқа соҳа ходимларига ҳам раҳбарлик қиларди. Қўлидан келганича уларга ёрдам берар, ҳар жиҳатдан қўллаб кувватларди. Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Боту, Зиё Саид, Комил Алиев, Ҳамид Олимжон каби элимизнинг таниқли ижодкорлари, шунингдек, Тожикистондан Мирзо Турсунзода, Абдусалом Деҳоти, Раҳим Ҳошим каби адиблар уйимизга тез-тез келишарди. Улар гоҳида тонгга қадар суҳбатлашиб, баҳслашиб, ижодий масалаларни ҳал қилишарди.

Йигирманчи асрнинг бошларида жадидлар мусулмон мактабларини ислоҳ этиб, янги усул мактабларини ташкил қилишди. Синфларда дарс жараёнида географик харита ва глобуслардан фойдаланиш бошланди. Айниқса, ўқувчилар ерда эмас, балки махсус парталарда ўтиришлари чиндан ҳам янгилик эди.

1972 йили уйимизга 30-йилларда қатағонга учраган адабиётшунос Вадуд Маҳмуд келди. Суҳбати давомида ўша ўттизинчи йилларда Чўлпоннинг уйига борганини айтди. Шифтга қараб, осиғлик турган халтачага кўзи тушибди. Нима деб, сўраганида Чўлпон эълон қилинмаган шеърларини ёқиб, кулини халтада сақлаётганини айтган экан.

Ўттизинчи йилларда дастлаб Самарқандда, сўнгра Тошкентда “Аланга”, “Шарқ”, “Ёш қалам”, “Муштум”, “Машраб”, “Ер юзи”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Қизил тикон”, “Учқун” каби журналлар ташкил этилди.

Отам ўзбек ёшларининг хорижга бориб ўқишига ҳам кўмаклашади. У ўта камтар ва юмшоқ феъл-атворлигича қолди. Шунинг учун бўлса керакки, уни доимо замондошлари жуда илиқ сўзлар билан эслашар эди. Отамни билган замондошларининг “Маъруф Расулийни ўша давр ҳақиқий зиёлиларининг эрта очилган гули дейиш мумкин. У ажойиб нотиқ, адолатли ва покиза шахс эди” дея хотирлашларини эшитиб, тўғриси, фахрланиб юраман. Отам қаерда ва қандай лавозимда бўлмасин, ҳалол ва виждон билан чин кўнгилдан ишлади.



Масъуд Маъруфович Расулий (1925-1996) – таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, миллий адабиётларнинг ўзаро таъсирига оид кўплаб тадқиқотлар муаллифи. Ўзбекистон фанлар Академияси тил ва адабиёт институтида рус адабиёти бўлимига ўттиз йилдан зиёд раҳбарлик қилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.


“Иқрор” – унинг мемуар жанрида ёзган ягона асари. Унда муаллиф тоталитар тузумда қатағон қилинган отаси ва яқин қариндошларининг тақдирлари ҳақида ҳикоя қилган.

Мақолани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муқаддас АБДУСАМАТОВА нашрга тайёрлади.

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

АКБАР ЎРОЗАЛИЕВ – ЖАДИД, ДИПЛОМАТ

1985 йил 4 февралда андижонлик жадид тараққийпарварлар Акбарали Ўрозалиев, Абдураҳим Юсуфзода, Иномжон Хидиралиевнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида манбалар, маълумотлар олиш ҳақидаги илтимосимга биноан Андижон область партия комитетининг секретари Мирза Муҳитдинов собиқ Иттифоқ Ташқи ишлар министрлигига хат билан мурожаат қилган эди. Бунинг сабаби, юқорида номлари зикр этилган андижонликлар совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида дипломатия соҳасига жалб қилинган фавқулодда қобилиятли шахслар бўлишган. Хусусан, Акбарали Ўрозалиев Хитойда, Абдураҳим Юсуфзода Афғонистон ва Москвада, Иномжон Хидиралиев Москвада, Лондонда фаолият кўрсатган.



Акбар Ўрозалиев (1890-1937) – СССРнинг Қошғардаги элчиси.

Ташқи ишлар министрлигидан 1985 йил 11 апрелда область партия комитетининг секретари номига жавоб хати келганида қанчалик ҳаяжонланганим ҳали-ҳануз эсимда. Ўша хатни қўлга олгач, унда исм-шарифи кўрсатилган архив раҳбарига мурожаат этиб, аввалги маълумотларга қўшимча янги материаллар бўлса, улардан нусха олиб жўнатишни илтимос қилганман. Шунга мувофиқ Ташқи ишлар министрлиги дипломатия бўлими мутасаддиси В.В.Соколов томонидан 1986 йил 6 апрелда менинг номимга А.Ўрозалиев ҳақида маълумот юборилди. Унда айтилишича, Акбарали Ўрозалиев 1925 йил 6 июлда Москвада Хитойга дипломатик хизматга – Қошғарда Бош консулликка ишлаш учун кетаётиб тўлдирган шахсий варақасида **“Ўтмишда қандай партияларга мансуб эдингиз?”** деган саволга ҳеч иккиланмасдан: *“1914 йилдан 1917 йилгача ёш сарт (ўзбек)ларнинг “Иттиҳод ва тараққий” яширин ташкилоти аъзоси бўлганман”,* деб жавоб ёзган. **“Сизнинг инқилобий ва ижтимоий ишдаги иштирокингиз нимада ифодаланган?”** деган саволга у: *“1917 йилга қадар маърифатпарварлик, тўгарак ишларида, 1917 йилдан сўнг эса совет, хўжалик, партия органларида ишладим”,* деб жавоб берган.

2001 йили “Шарқ” нашриётида чоп этилган “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар” номли китобда Абдураҳим Юсуфзода, Акбар Ўрозалиев ва бошқа шахсларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, фожиали тақдири илмий жиҳатдан ёритилган. Биз ана шу маълумотлар асосида Акбар Ўрозалиевнинг фаолияти, хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” пьесасида роль ўйнагани, вақтлар ўтиб бунинг учун таъқиб остига олингани ва бошқа воқеаларга эътиборингизни қаратишни лозим топдик.

Акбар Ўрозалиев 1916 йили Туркистондаги миллий озодлик қўзғолонида қатнашган, Андижонда рус мустамлакачи маъмуриятининг маҳаллий халққа нисбатан қўллаган мустабид сиёсатини фош этишда фаоллик кўрсатган маҳаллий етакчилардан бири эди. Подшоҳ ҳукуматининг жазолаш органи Андижондаги миллий яширин ташкилотнинг изидан тушиб, уни батамом йўқ қилмоқчи бўлган. Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ) бошлиғи ўринбосари Розалион-Сошальский ҳарбий губернатор маҳкамаси ҳужжатларини синчиклаб ўрганиб, Андижондаги “тараққийпарварлар” иши юзасидан жиноий иш қўзғаган.

Акбар Бойтурсунович Андижондаги “Тараққийпарварлар”, “Падаркуш”чилар, “Гап”чилар номи остида фаолият кўрсатаётган ижтимоий-сиёсий жамиятнинг энг фаол аъзоларидан эди.

Шунинг учун ҳам ТРМБ раҳбарияти ва агентлари унга қарши астойдил кураш олиб боради. Акбарали Ўрозалиев ва укаси Муҳаммаджон Андижондаги келиштирувчи суд тилмочлиги ва мирзалиги вазифаларидан бўшатилади. ТРМБ бошлиғининг ўринбосари Розалион-Сошальский 1917 йил 7 февралда Андижонга етиб келади. Шунда Акбарали Ўрозалиев тактик йўл тутади, яъни отаси Бойтурсуннинг А.Н.Куропаткин билан ўзаро яқин танишлигидан (у 1877 йили Куропаткин билан бирга Шарқий Туркистонга борган эди) фойдаланиб ўзи ва бошқа тараққийпарварлар ҳаётини сақлаб қолиш, Андижонда ҳеч қандай яширин сиёсий ташкилот йўқлигини исботлаш учун Туркистон генерал-губернаторига ариза билан мурожаат қилади:

“Туркистон ўлкаси генерал-губернатори Алексей Николаевич Куропаткинга. Георгий Хочининг барча даражалари соҳиби Бойтурсун Ўрозалиевнинг ўғли Акбар Бойтурсунович Ўрозалиевдан

ИЛТИМОСНОМА

Скобелов округи суди раисининг 1917 йил 6 январдаги фармойиши бўйича мен ва укам Муҳаммаджон Андижон уезди келиштирувчи суди ҳузуридаги тилмочлик хизматидан бўшатилдик. Бизнинг хизматдан бўшатилишимиз сабаблари хусусида менга суд раисининг тушунтиришича, у бу ўринда сизнинг фармойишингизга кўра иш кўриб, мени ва укамни хизматдан бўшатишга мажбур бўлган. Шу йилнинг 6 февралида мен шахсан сиз саодатли олий ҳазратларига бу ишни текшириш ҳақида илтимоснома топширган эдим. Шунда сиз томондан бундай суд идораларида хизматда турган шахсларни хизматдан бўшатиш тўғрисида фармойишлар берилмаслиги айтилган эди.

Айрим шахслар томонидан айтилган, аслида бўлмаган “ёш ўзбекларнинг падаркушлар партия”сига мансублигимиз туфайли сиз саодатли олий ҳазратлари бизларни хизматдан бўшатиш ҳақида фармойиш берган экансиз.

1914 йилнинг 6 июнида Андижон шаҳрида маҳаллий ҳаваскор сарт ёшлари томонидан кўнгилни хуш этувчи кеча ташкил қилинди. Унда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сарт тилида ёзилган “Падаркуш” номли пьесаси ҳам саҳнада қўйилганди. Пьеса ўз мазмунига кўра чуқур ибратли эди. Ҳозирги замон сартлари жамиятининг маънавий тушкунлигини очиб беради. Шу кечада тўпланган маблағнинг бир қисми ҳозирги бораётган урушда ҳалок бўлганларнинг боқувсиз қолган оилаларига, бир қисми Андижондаги эркаклар прогимназияси фойдасига, қолган қисми эса кўнгилни хуш этувчи бошқа муассасалар фойдасига сарфланган эди. Бундай кечани ташкил этиш учун маҳаллий рус ҳукуматидагиларнинг рухсати олинганди. Бу пьесада роль ўйнаганлар орасида мен ҳам бор эдим.

Ҳамманинг эсидан аллақачон чиқиб кетган бу воқеадан қуруқ сафсатабоз кишилар партия, “Ёш ўзбеклар ҳаракати”ни ўйлаб топдилар. Бу кечани ташкил этишда қатнашганларни эса қандайдир партиявий ташкилотга дахлдор деб гумонсирадилар. Буларнинг ҳаммаси бизларнинг кам маданийлигимизни характерлаб бермоқда. Арзимас ҳаваскорлик пьесаси кўникмаган ақлимизни шу қадар таажжубга солмоқдаки, айримларга бутун давлат ҳаётини тўнтариб юборишга қодир улкан ҳодиса юз бергандек туюлмоқда.

Мазкур масала бўйича Андижонга Тошкент соқчилари бўлими бошлиғи ёрдамчиси келиб, дастлабки тергов олиб борди, ҳам рус, ҳам маҳаллий маъмуриятни сўроқ қилди. Оқибатда ўзбек ёшларининг қандайдир фирқа тузиб, қандайдир асоссиз мақсад сари кураша-ётгани ҳақидаги гумонлар тўлалигича исботланмади.

Мен ва укам Муҳаммаджон бутун хизматимиз давомида ножўя танбеҳ олган эмасмиз. Бизнинг маънавий сифатимиз, хулқу атворимиз ва фаолиятимизга келсак, бутун маҳаллий маъмурият баҳо бериши мумкин. Андижон уезди бошлиғи К.К.Мединский, Ўш уезди бошлиғи ёрдамчиси К.П.Городинский, Скобелев округ суди прокурори ёрдамчиси П.П.Робин, Андижон уезд 1-даҳа келиштирувчи судьяси Петров ва мени хизмат бўйича билган ҳамда ҳалол ҳаётимдан воқиф бўлган бошқаларни ҳам гувоҳ қилиб келтиришим мумкин.

Тилмоч сифатида мен ва укам хизмат қилиб катта оиламизни тебратиб турмоқда эдик, эндиликда эса хизматдан бўшатилиб, яшаш воситаларидан маҳрум бўлиб қолдик. Ҳозирги вақтда бундай аҳволда бўлишлик биз учун фавқулодда тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолатдир.

Бундан ташқари, ўзим етарли маълумотга эга бўлмаганимдан, аммо маълумотли бўлишнинг фойдасини тушунганлигимдан энг охирги маблағларимни, имкониятимни ишга солиб, укамни Андижондаги эркаклар прогимназиясида ўқитмоқдаман. Бу тўғрисида сиз Андижон шаҳрига келганингизда ҳам хабар топгансиз.

Ушбуларни баён этиб, Сиздан бизни хизматга тиклаб қўйиш тўғрисида фармон беришингизни сўрайман. Борди-ю бунинг имкони бўлмаса, мазкур иш бўйича расмий ва оғзаки текширув ўтказишни итоаткорлик билан илтимос қилишни шарафим, деб биламан. Бу ишни расмий текшириб чиқишда бизга қўйилаётган айблар қандай бўлмасин исботланмайди, биз яхши номимиз ва обрўйимизнинг тикланишига эришажакмиз.

Скобелов шаҳри,
1917 йил 24 февраль.
А. Б. Ўрозалиев”.

Ариза 4 март куни етиб борган. Унга 1917 йил 6 март куни виза қўйилган: **“Прокурор хулосасида сўровнинг ҳаракатлари ҳақида маълумот йўқ. Расмият учун текширув бўлиши керак. Бу ҳақда генерал-губернаторга ва аризачига маълум қилинсин”.**

Февраль инқилоби туфайли Андижондаги “Ёш ўзбеклар яширин ташкилоти” ҳақидаги тергов ишларига барҳам берилди. “Падаркуш” пьесасида рол ўйнаган Акбар Ўрозалиев боши устидаги қора булут тарқалди. Унинг ҳаётида янги саҳифа очилди.

1917 йил 14 июнда Андижон шаҳридаги Олимжон ҳожи заводида ҳаракатдаги армия фронторти ишларидан қайтиб келган 900 га яқин ишчи-мусулмонларнинг митинги бўлиб ўтади. Унда мусулмонлардан совет ҳайъати тузилиб, мусулмонлардан 13 киши, европалик руслардан 2 киши киртилади. 27 ёшли Акбар Ўрозалиев Андижон мусулмон совети раиси ўринбосари этиб сайланади. 1917 йил августда шаҳар думасига демократик руҳда сайлов ўтказилади. “Шўрои ислом”нинг маҳаллий аҳоли ўртасида таъсири кучлилиги натижасида миллий ҳаракат намояндалари Андижон шаҳар думасидаги 97 ўриндан 84 тасини эгаллайди. Думага Акбар Ўрозалиев ҳам сайланган. Ўрозалиев эсерлар партияси сафига кирган, чунки эсерлар мусулмон аҳоли манфаати йўлида большевикларга қарши курашаётган эди. Андижон мусулмонлар совети эсерлар ташкилоти билан яқин алоқада фаолият кўрсатган. Мария Николаевна Орда эсерлар партияси Андижон бўлимининг раиси эди.

Акбар Ўрозалиев давр тақозоси, замона зайлига кўникиб, мустабид тузумга хизмат қилишга мажбур бўлган. У Андижон уезд-шаҳар совети ижроқўми раиси ўринбосари, инқилобий комитет раиси ўринбосари, ҳарбий тайёрлов бўлими бошлиғи, “босмачилар”га қарши кураш “бешлиги”нинг раиси, Андижон ва Ўш уезд-шаҳар инқилобий комитетлари раиси ўринбосари, Фарғона область ревкоми раиси ва ўринбосари, область режа комиссиясининг раиси лавозимларида ишлаган. Қаҳрамонимиз 1925-1927 йилларда Хитойнинг Қошғардаги совет бош консуллигида хизмат қилади. Шунингдек, Фарғона область банки бошқарувчиси бўлади. 30-йиллар бошида Андижондаги Манжара номли артелга, сўнг “Савай” совхозига раҳбарлик қилган. Аммо 1934 йил 1 декабрда троцкийчи-зиновьевчилар томонидан С.М.Кировнинг ўлдирилиши туфайли душманларни излаб топиш, уларни қамоққа олиш, тергов қилиш, “аксилинқилобчи”, “миллатчи” деган тамғалар қўйиб қатағон қилиш кампанияси Акбар Ўрозалиевни ҳам ўз домига тортди. У 1935 йил 14 сентябрда қамоққа олиниб, 14, 16 сентябрь, 27 октябрь, 26 ноябрда тергов қилинган. Бу тергов материаллари алоҳида таҳрир қилишга муҳтождир. ЎзССР Олий суди махсус коллегияси 1936 йил 10-11 сентябрь кунлари Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан айбланган Акбар Ўрозалиевнинг ишини кўриб чиқади ва уни 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ва 3 йил сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқаради.

Айбланувчи Акбар Ўрозалиевнинг 1937 йил 18 ноябрдаги тергов баённомасида НКВД терговчисининг **“Қачон ва нима учун сиз қамоққа ҳукм этилдингиз?”** деган саволига Акбар Ўрозалиев: *“1935 йили НКВД органлари томонидан Андижон шаҳрида қамоққа олиндим ва 1936 йили мен аксилинқилобий тарғиботим учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилдим...”* деган жавоби ёзилган.

Тергов органларининг оператив маълумотлари бўйича Акбар Ўрозалиев Малик совхози 4-бўлимида маҳбуслар орасида тизимли тарзда аксилинқилобий тарғибот олиб борган. РКП(б)га қарши аксилинқилобий бўҳтонлар билдирган, халқ душманларини мақтаган. Япония ва унинг ҳарбий қудрати, босқинчилик сиёсатини мақтаган. Айни вақтда қизил армияга қарши бўҳтонлар ёғдирган. Маҳбусларни ишга чиқмасликка чақирган. Ўрозалиевнинг қўпорувчи аксилинқилобий фаолияти туфайли 4-сонли бригада ишлаб чиқариш режасини доимий равишда бажармаган. У ЎзССР Жиноят кодексининг 66-, 21-моддалари бўйича айбланиб Малик совхозида суд қилинган.

1937 йил 21 ноябрда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги йиғилишда 1890 йили Андижон шаҳрида туғилган Акбар Ўрозалиев “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотнинг собиқ фаол аъзоси сифатида айбланган. 1935 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоқ жазосига тортилгани таъкидланиб, у жазо муддатини ўтаётганда маҳбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, лагерда маҳбусларни иш ташлашга чақирганликда айбланган. Унинг аксилинқилобий фаолияти натижасида меҳнатдан бўйин товловчилар фоизи кўпайиб борган. НКВД “учлиги” Акбарали Ўрозалиевни отувга ҳукм қилиш ҳақида қарор чиқаради. Унга тегишли мулк мусодара этилиб, ҳукм дарҳол ижро қилинган. Ўшанда у эндигина 47 ёшга кирган эди.

КПСС XX съездидан кейин “катта террор” даврида сиёсий қатағон қилинганлар қаторида Акбар Ўрозалиев ҳам оқланган. Қаҳрамонимиз номини абадийлаштириш мақсадида Андижон шаҳри кўчаларидан бири Акбар Ўрозалиев номи билан аталди.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Мулла Мамажон Тожибоев – 1880 йили Марғилон шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Ҳибсга олингунга қадар имомлик билан машғул бўлган. “Шўрои Ислом” ташкилоти аъзоси сифатида аксилинқилобий тарғибот билан доимий равишда шуғулланган. Фарғона водийси бўйича аксилинқилобчи, исёнчилар билан яқиндан алоқада бўлганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган.

Ариф Сайфутдинович Чапкунов – 1876 йили Рязань губерниясида туғилган. Миллати татар. Ҳибсга олингунга қадар Марғилон районлараро ипак қуритадиган идорада мудир бўлиб ишлаган. “Шўрои Ислом” ташкилоти аъзоси бўлган. Ҳукуматга қарши тарғибот олиб боргани ва СССРдан Ўрта Осиёни ажратиб олишга уринганликда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

Мулла Эрмат Нурматов – 1888 йили бой оилада туғилган. 1930 йили қулоққа тортилган. 1931 йили топшириқни бажармаганлиги учун 3 йил озодликдан маҳрум этилган. Ўтмишда “Шўрои Ислом” миллий аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган пайтда имомлик лавозимида эди. Кенгашларда совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий чиқишлар қилганликда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган.

Мулла Зокир Юсупов – 1878 йили Андижонда туғилган. 1931 йил қулоқ қилинган. Ўтмишда “Шўрои Ислом” ташкилотининг аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган вақтда “Сталин” номли колхоз аъзоси бўлган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси, йиғинларда Ўзбекистондаги буржуа миллий давлат “Мусулмонобод” давлатни ташкил этиш учун аксилинқилобий, мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 58-моддаси ва 66-моддаси 1-банди билан 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

Боқи Маҳмудов – 1903 йили Андижон шаҳрида бой оилада туғилган. 1917 йилгача ёлланма меҳнатдан фойдаланган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси. Босмачилар билан алоқада бўлган. Ўқитувчи бўлатуриб ўқувчи ёшларни миллатчилик руҳида тарбиялашга уринган учун ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

Домулла Ҳаким Охун Иброҳимов – 1871 йили Қўқон шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Ҳибсга олинган пайтда масжид имоми бўлган. Тошкентда “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилот билан алоқада бўлиб турган. Аксилинқилобий гуруҳлар кенгашларида қатнашганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддалари қўлланилиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 январдан ҳисобланган.

Ўринбой Қори Мадғозиев – 1892 йили туғилган. Ўзбек миллатига мансуб. “Шўрои Ислом” ташкилотининг аъзоси бўлган. Доимий равишда миллий кадрларни тайёрлаш бўйича иш олиб борганликда, қўзғолончи гуруҳ аъзоси эканликда айбланиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1936 йил 30 декабрдан ҳисобланган.

Абдулла Қори Тошбоев – 1889 йили Наманган шаҳрида туғилган. Собиқ савдогарнинг ўғли. 1928 йили 1 йил 8 ой озодликдан маҳрум этилган. Ҳибсга олинган пайтда “Волга” артели чойхонаси мудири бўлган. “Шўрои Ислом” ташкилоти аъзоси бўлганликда, аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда, аҳоли орасида доимий равишда миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, чорвачилик соҳасига зарар етказганликда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган.

Охундада Солихўжаев – 1893 йили Наманган шаҳрида туғилган. Собиқ савдогарнинг ўғли. 1921 йили аҳолидан ноқонуний ўч олгани учун жавобгарликка тортилган. 1922 йили Ҳарбий Трибунал томонидан отувга қилинган ҳукм 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилган. 1937 йили сиёсий безорилиги учун жавобгарликка тортилган. Ҳибсга олинган вақтда Тошкент вилояти Янги Қўрғон туманида мева етиштирувчи бўлим мудири бўлган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлгани ва босмачилик отрядига шахсан ўзи командирлик қилганликда айбланган.

Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим

(Давоми келгуси сонда).

ҲАЖВ

СЕМИЗЛИКНИ КИМ КЎТАРАР?


Сенга айтсам, ҳамма бало еб-ичарда экан, укам! Фақат қоринмас, мия ҳам овқатсираб таталайди. Эрталабдан мияни меъдасига “фас-фут” тиқиштираман. Кейин кун бўйи ланжланиб, фалон артист эсон-омон қутилиб олдимикин, фалон жойда “дага-дагачи” бачажиш чиққанди, қўлга тушдими-йўқми, деб шунгаям сиқиламан. У ёғини сўрасанг, кечаси соат учгача гўлф коптоги қандай ясалиши, Африкадаги ёруба қабиласидаги оқбилаклар балчиқдан чотбосди қилиб лаққа балиқ тутгани, Гоу Чайналик очофат очиб чиқишига бир кун қолган жўжани чайнамай ютгани ва шунга ўхшаш бемаза нарсаларни кўриб, кўзим қизарган. Мана ҳозирам калла жонивор Дўрмондаги сўрида қопкетган бўш шишага ўхшаб ғувиллаб ётибди...

Буни қара, бугун 1 ноябрь – АҚШда Миллий соғлом овқатланиш куни эмиш. Тавбангдан кетай, бу замонда соғлом овқатланиб бўларканми? Мана, мени олайлик, ҳар куни соғлом овқатланишни “репетиция” қиламан. Лекин бирор марта “саҳна”га чиққанимни эслолмайман. Нуқул тарозига чиқаман. Нимага дейсанми? Эй, ука, айтгулиги йўқ. Бир пайтлар “авторитет” деб, катталарга ҳавас билан кичикроқ “қоринча” қўйгандик... Кейин нима бўлди? Бардамалаб кетди, савил! Ҳаммасига “карантин” айбдор. Қиладиган иши қолмаса, сўқим ҳам кавш қайтаради. Одамни мияси оч қолса, қорни қаппаяди. Чунки ошқозон ишлаганда калла ишламай қолади. Танадаги қон оқими “нозик” (!) меҳмонни тезроқ кузатиб қўйиш билан овора бўлиб, мияни яккамохов қипқўяди. Кейин нима бўлади? Фикрлаш тизими эснайди. Бироз чўзилиб олсак, зарар қилмас, узр-да, дейди-ю, шартта оёқ узатворади... Бу ёғи ке-етди... Учқўрғонга!

Хуллас, озишга қарор қилдим. Аввало, ўтган-кетгандан суриштирдим, сергўшт сомсаларни лаққа-лаққа ютиб “Ютуб” кўрдим. Ҳаммасини топиб олган гапи бир: кундалик рациондан ёғли овқатларни олиб ташланг! Шуям гап бўлди-ю?! Булар медицинститутни бир-биридан кўчириб битирганми? Килкиллаб турган илик шўрвадан кечиб бўларканми? Чойхона паловни думбасиз тайёрлаб кўр-чи? Эй, қўйни думбасини айтяпман! Меҳмон-пеҳмонга борганда, кечирасиз, дастурхондан ёғли овқатларни олиб ташланг деёласанми? Бир айтиб кўр қани? Солиқчига қарагандек ўқраяди!

Қизиқ халқмиз. Боламиздан беркитган ширинликларни ейишга меҳмонни мажбурлаймиз. Ҳеч бўлмаса, татиб кўришга. Йўқ деса, урди худо! Бола шўрлик эшикка суянганча кўзини ғилтиллатиб турибди. Аммо дастурхон ҳурмати, бир-икки чўқиган бўласан. Олдингга қўйдими, ейсан! Ҳолбуки, бу ёқда Навоий ҳазрат: “Олдига қўйганни емоқ – ҳайвоннинг иши...” деб турибдилар. Қисқаси, одам сафидан кўп марта чиққанмиз, ука... Оқибатини кўриб турибсан.

Аввало, нонуштага эътибор қилинг, дейди фейсбукда тарвақайлаган дўхтирлардан бири. Мактаб даври зўр эди. Тонгда чой ичиб кет, дейдиган онанг ёнингда. Эрталаб қўшнидан сут чиқади. Қайнаганига асал билан қуруқ чой қўшиб, қотган нон тўғраб битта “урворасан”, шу билан “завтирик” – заб тирик бўлади. Ё бўмасам, сўпини суви илимасдан ҳовлига йўрғалайсан. Бахмалтоб барглар оралаб “ажи” қиптурган нон-



беҳидан битта узасан. Ҳали чимилдиқ кўрмаган ғўр қарғани чумдугидан тушиб қолган бойёнғоқлардан бир-иккитаси калишингга ботади. Териб оласан. Бўлди, тайёр соғлом нонушта! Арзонлигини айтмайсанми?! “Газак”ка майизми, туршакми қўшсанг, кечгача кайфинг тароқ, димоғинг чоғ-да, укам! Ўйлаб қарасам, ҳозир интилганимиз – соғлом овқатланиш ўша пайтлар ҳаёт тарзимиз бўлган экан.

Бундай олганда, ота-боболаримиз тўғри қилган экан. Ахир ўзлари айтган нақл бор: “Нонуштани ўзинг е, тушликни дўстинг билан, кечкини душманингга бер...” Афсуски, мен шўрликда душманам йўқ!

Ана, парҳезкашлар айтяпти: ҳар қанча оғир овқат бўлса, эрталаб енг, ошқозон кўтаради. Наҳорги ошни шуниси яхши. Униям ўзига яраша одоби бор. Аввал ният қилиб тўйга борасан. Бирорта бозори чаққон носпурушдан “беш мингталик”ни талқонносдек майдалатиб, тўяна ўрнида тўйчивойни кафтига шартта босасан. Яйраб кетади! У ёғи танишларни кўрасан. Дастурхон атрофида ўтирасан. Битта фотиҳа тортилади. Чой узатилади. У билан ошқозонни уйғотиб оласан. Тўйхонани тўрида дуторини қорнига қўйволиб, бир товоқбашара зорланади: “Қадди-бастинга салламно..” Ликопдаги чимчи салатдан чимчиб, меъдангни ҳозир келадиган ёғли паловга тайёрлайсан. Ана келди. Ундаям шошиш йўқ. Қани, сиздан бўлсин! Йўқ, аввал ўзларидан бўлсин. Бошлаб беринг. Мана... Хуллас, чайнаб-чайнаб, чойдан ҳўплаб-ҳўплаб, иссиққина ошни “ўзлаштирасан”. Ана кейин яна битта фотиҳа. Сурасан. Кечгача вадаванг! Бундан кейин тушликда камроқ ейсан, кечга яна камроқ. Қарабсанки, соғлом турмуш тарзи!

Ривожланган давлатларда нонуштага алоҳида маросим сифатида қараш бор. Албатта, сут маҳсулотлари, қайнатилган ё қовурилган тухум, сабзавотлар, имкони бори балиқ, имкони йўқроғи асал, туршак, майиз, тағин зайтун деганлари... Ишқилиб, танага безарар енгилгина нонушта бўлади.

Озишни машқ қилиб юрган пайтларим ҳаётга кўпроқ эътибор қила бошладим. Жуда овқатхўр эл эканмиз. Аммо шаҳарнинг манаман деган емакхоналари ҳам соат ўн бирда кўзини ишқалаб иш бошлайди. (Кечаси соат учгача жинлар базми бўлган-да!) Шундай қилиб, тонгда иштаҳа сақлаб, ўрнимдан турдим. Ўзим эринганим учун енгилроқ тўйдирадиган тамаддихона изладим. Эй, ишонасанми, кундузи чироқ ёқиб қидириш керак экан. Бир-биридан узоқ-узоқ жойлашган. Биттасини амаллаб топиб бордим. Нонуштага неки лозим, ҳаммаси муҳайё! Аммо қиммат! Нега? Чунки талаб кам! Фақат жонини қадрини биладиганлар ёки эрталаб тухум қовуришгаям эринадиганлар талабгор. Кейин бозор айландим. Соғлиққа фойдали нима бўлса, нархи осмон. Олдингда иккита йўл бор: ё ҳар куни умрингни кам-камдан қисқартириб бор ёки бир қаро кунда қазо топ. Таржимаси: пулни тежаб, носоғлом овқатларни еб, ошқозон-ичак касалликлари, қандли диабет, инфаркт, инсульт орттириб, фалон сўмга даволан ёки шу даволаниш пулига касал бўлишдан аввал тозароқ овқатлан. Танла! Дўконларимиз сунъий маҳсулотларга тўла. Ичимликларимиз зарарли. Ўзимиз лоқайд. Ҳар нарсани вақти ва меъёрини билмаймиз. Масалан, олча пишганда шарбат қилиб ичмаймиз, банкага тиқамиз... Помидор-бодрингни фойдали пайтида емаймиз. Тузлаб (!), сиркалаб (!), танага зарарли бўлган токсинларга бойитгач, тановул қиламиз. Униям нима билан? Узумлигида кун кўрмаган “узум шарбати” билан! Сениям миянг ачиб кетдими? Меники бешбаттар! Энди тўғри овқатлана бошлаганимда бир тадбир чиқади. Ҳали у байрам, ҳали бу тўй-тантана, янги йилни айтмайсанми, эй, ойда, йилда бир кўришган танишинг ҳам, “киттай-киттай қилайлик”, деб ҳоли жонингга қўймайди. Бу ёғини сўрасанг, ўзингниям томоғинг тақиллаб турган бўлади. Очиғини айтсам, ҳамма касал – каллада! Одам аввал руҳини, миясини тўғдириши керак. Эплолмагач, соғлом турмуш тарзига шундай дедим: “Сен билан муносабатларимиз узоққа чўзилмаскан, характеримиз тўғри келмади. Шунинг учун кел, дўст бўлиб қоламиз...”

Мана энди бу аҳвол. 7/24 режимида ортиқча 20 килони ўзим билан олиб юраман. Елкамда пичоққа бориб қолган тўқли билан тасаввур қипқўр! Ўшани кўтариб юрибман, ука!

Мана нега эрталаб туришга, зинадан кўтарилишга, (мансабда кўтарилишгаям!) ҳатто тузукроқ фикрлашга қийналаман. Пойма-пой гапларимга сиқилмайсан-да, ука. Миям ўлгудай оч... Иродасизлик ёмон экан, укам... Омон бўл, ўзингга қара!

АКАНГ ЛАПАШАНГ


ТИЛБИЛИМ


ЎРГИМЧАК, ЎРМАК ВА ҚИРҚ ЎРИМ СОЧ

“Ўргимчак. Ўзига овқат бўладиган ҳашаротларни тутиш учун тўр тўқийдиган бўғимоёқли йиртқич ҳашарот”.

“Ўрмак. Шолча ёки гилам тўқийдиган маҳаллий дастгоҳ”.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу икки сўзга шундай изоҳ берилган. Демак, ўрмак сўзининг ҳам, ўргимчак сўзининг ҳам туб илидизи тўқиш маъносидаги ўр сўзига бориб тақалади. “Қизимнинг сочини ўриб қўйдим” деган гапда ўриш сўзи тўқиш сўзига яқин. Чунки оналар қизларининг сочини ўрганда соч толаларини гилам ипларини бирлаштириб тўқигандай тўқийдилар. “Қирқ ўрим соч” ибораси ҳам шунга ишора қилади.





Алишер Навоий ўрмак сўзини икки маънода “туя жунидан тўқилган бир навъ мато ва соч ўриш маъносида ишлатган. Ўргимчак сўзини ўргамчи шаклида қўллаган:

Ўргамчи шубоққа парда солиб,
Ул парда ичида соя олиб.

(Лайли ва Мажнун)

Халқ тилида ҳозир ҳам бу сўз кўпроқ ўргамчи деб ишлатилади.

Маҳмуд Кошғарий ўрди сўзини “қизларнинг сочини ўриш” маъносида ва ўргимчак сўзини ўрумчак ўрумчӓк шаклида қўллаган. “Ат-туҳфа” луғатида ўргимчак ӧрўмчўк – орумчўк, соч ўрами ормач (оруқ) шаклида келган.

“Туркий тиллар этимологик луғати”да мўғул тилида жун кўйлак – örmege (ўрмеге), туя жунидан қилинган юмшоқ мато örmög (ўрмўг) дейилиши ҳақида маълумот бор. Шунингдек, гилам тўқийдиган ибтидоий қурилма – ўрмак асли ўр сўзига -моқ қўшимчаси қўшилишидан пайдо бўлган деган изоҳ ҳам бор.

Эшқобил ШУКУР

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Бугун бир қиз, “Ака, ижара тўлови учун пулим етмай қолди. Ёрдам қилиб тура олмайсизми?” деб ёзиб қолди. У қиз Японияга келганида йигирма ёш эди. Ҳозир ўттизга яқинлашиб қолди. Ўқиди, ишлаяпти. Ижара тўловига пули йўқ. Нимага? Нафси ўпқон, “харобадан чиққан миллионер” онаси сабабли. Ўша аёлнинг ейишга нони ҳам йўқ эди. Бу қиз бечора ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, қишлоқдаги уйларини таъмирдан чиқарди. Оиласидагиларга машина олиб берди. Бу орада ўзидан олдин сингиллари эрга тегиб кетди. Ўзи ҳалиям турмушга чиқмаган. Сингилларига энг зўр сарполарни мажбурлаб қилдиришди. Энг ёмони, ҳозирги оддий машина уйдагиларига ёқмай қолибди. “Малибу” олармишлар! Мана шу ергача чидади бечора қиз. Мени кўриши билан ўкириб йиғлаб юборди. “Мен-чи, мен қачон турмуш қураман? Нимага уларнинг ялло қилиб юриши бадалига мен хор бўлишим керак”, деди! Роса юрагим эзилди.



БАС ҚИЛИНГ, ЭЙ, “МЕҲРИ ДАРЁ” ОНАЛАР!

Шахсан ўзим бунга ўхшаган тақдир эгаларининг юздан ошиғи билан гаплашиб кўрганман. “Акангга машина олишимиз керак, уканга данғиллама тўй қилишимиз керак, опангнинг эрига фалон қилишимиз керак” каби бемаъни “орзу”лар қурбони бўлаётган ёшларни ўз кўзим билан кўрганман.

Эй, барака топгурлар, сизни деб Японияда юрган қизингиз тўйиб овқатланмаяпти. Тўйиб ухламаяпти, шунчаки сизларнинг нафсингиз йўлида қурбон бўляпти. У-бу чиройли жойда расм тушган бўлса, ишга кетаётиб, йўлда тушиб олгандир, бечора. Ортида турган осмонўпар бино унинг шахсий мулкимас. Йўлтанламас, қоп-қора “Toyota” билан расмга тасодифан тушиб қолгандир? У шўрлик кечасию кундузи – кунига 25 соат ишлаяпти. Тасаввур қиляпсизми? Сиз аймоқларингиз билан гап-гаштакда, тўй-ҳашамда юрганингизда бу бечора уйқусизликдан бурни қонаб, боши айланиб, тирик мурда бўлиб юрибди. Бунақа юртдошларим жуда кўп. Бечораларда шунчалик босим каттаки, уйдагиларини ўйлаб, оила ҳам қуролмайди. Гаплашсангиз, “Менга уй-пуй керакмас, ҳеч нарса керакмас, қайтмайман” деб сиз туфайли юртга араз уриб, элдан безиб кетганлари ҳам бисёр.

Ўв-в! Қизим – номусим дейдиган, жигарқонимдан бўлган деб шиғир тўқиб, нағма айтадиган хўжакўрсинчилар! Кунига юз доллар топар экан деб, нафсингиз баттар ўпқон бўлмасин. Кунига шунча топса, одамга ўхшаб яшаши учун 80 долларини харажат қилиши керак. Ҳам ўқиш, ҳам контракт тўлаш, ҳам сизларни бой қилиб кўрсатиш – ит азоби!

Келадиган ёшларимизнинг деярли ҳаммасининг бўйнида ана шу олахуржун – оилахуржун. Емаса-емайди, сизнинг қорнингизни ўйлайди. “Энди Тошкентдан уй олишимиз керак, қизим” деб қолишади тилла балиқ тутиб олган “балиқчилар”. Фарзандингиз Тошкентдаги уйнимас, ўқишини, ишини ўйлаши керак! Калласи ишлаши учун тўйиб овқатланиши керак, эй барака топгурлар! Намунча босим қиласизлар?

Болангиз босим қилмасангиз ҳам ака-укасини, сизларни ўйлайди. Фақат вақт беринг, оёққа туриб олсин, ўзини эплаб олсин, кейин ўзи улгуржи ёрдам беради ҳаммангизга.

Бизнинг миллатдан бошқасида кўрмадим шунақа нафси ҳакалак отганларни. Непал, Ҳиндистон, Вьетнамдагилар биздан қашшоқ яшашади. Аммо фарзандларини “яхши ўқи” деб жўнатишади. Натижада улар катта-катта ютуқларга эришишяпти. Бизнинг бечоралар бўлса, ўзини мутаассибларча қурбон қилишади. Бошқа фарзандларингиз учун, тўй-ҳашамингиз учун, маҳаллада тилингиз бир қарич бўлиши учун битта фарзандингизни шунчаки қурбон қилиб қўяверасизми?

Ишонинг, Японияда ҳам, бошқа давлатда ҳам осон пул топиб бўлмайди. Бўлди қилинг, данғиллама тўй, данғиллама уй, “яна-яна” деб, ўз васвасангизни болага ҳам юқтирманг. Сизга онам хафа бўлмасин деб айтолмайди. Қийналаётганини сизга кўрсатгиси келмайди. Бирдан нозик жойига зарба берасиз: “Мен сизларни қийналиб туққанман, фалон қилганман, пистон қилганман”, деб! Қайсидир авлод “уй, тўй, машина” деган васвасадан қутулиши керак-ку?! Бутун дунё ҳашамат эмас, қулайликка қараб кетяпти.

Хулосаи калом, эҳтиёж бўлса, чорангиз қолмаса, болангизда имкон бўлса, инсоф билан сўранг. Ортиқча қийнаманг. Нафси ўпқон бўлса, қудангизнинг афти қурсин, одамларнинг кўзи учун қиладиган тўй-у, бошқа маросимларингизнинг ранги рафтори қурсин! Эркаклар, кераксиз харажатларни ҳаддидан ошираётган аёлингизга “бўлди қил” деёлмасангиз... Худо инсоф берсин ҳаммамизга!

Баҳодир ИСКАНДАРОВ,
Фейсбук

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Масъул котиб:
Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Пирнафасова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5 827
Лотин ёзувидаги адади – 11 904
Медиа кузатувчилар – 19 411
Буюртма: Г – 1139
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:30
Сотувда нархи эркин.

jadid-media.uz